

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳуқуқшунослик факультети
“Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими” кафедраси**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 347.262.1(571.1)

Мирзаев Абдуғаффор Мирзараҳматович

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРИ**

**Магистрлик илмий унвонини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: доц. М.А.Артиков

Тошкент - 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	3 – 8
I боб. Тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг методологик асослари	9 - 25
1.1. “Тинчлик” ва “барқарорлик” тушунчаларининг фалсафий талқини	9 - 17
1.2. Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили	18 - 25
II боб. Тинчлик ва барқарорликни таъминлашда маънавий омилларнинг роли	26 – 49
2.1. Юрт тинчлигининг маънавий компонентлари	26 – 35
2.2. Ўзбекистонда тинчликни таъминлашнинг маънавий мезонлари	35 - 48
III боб. Тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг мафкуравий асослари	49 – 64
3.1. Мафкуравий таҳдид – тинчлик ва барқарорликка таҳдид	49 - 57
3.3. Мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда таълим-тарбиянинг аҳамияти	57 – 71
Хулоса	72 – 76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77 - 80

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йили мобайнида эришилган улкан ютуқлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада орттирмоқда, ёшларнинг ватанпарварлик туйғуларини кучайтирмоқда, жаҳон ҳамжамияти томонидан “Ўзбек модели”нинг муваффақияти сифатида эътироф этилмоқда. Бу ютуқлар замирида, Президент Ислом Каримов неча бор таъкидлаганидек, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик ётибди¹. Юртбошимизнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”² рисоласи 2013 йил 9 май – Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан баён этилган чуқур фалсафий ғоялар ва ҳаётий хулосалар қомуси, келгусида тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашнинг дастуриламали бўлди, десак муболаға бўлмас.

Юрт тинчлиги ғояси миллий истиқлолнинг устувор тамойили сифатида белгиланган даврдан бошлаб то бугунги кунгача ушбу ғоя ўз долзарблигини, Ватан ва халқ тақдири учун беқиёс аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, 2014 йилнинг қиш ойларида Украинада содир бўлаётган фожеалар, 2011 йили “араб баҳори” номини олган мудҳиш воқеалар ҳар қандай давлат ва минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳеч қачон ўз аҳамиятин йўқотмаслигини исботламоқда.

Тинчлик ва барқарорликни сақлаш – серқирра, комплекс вазифа бўлиб, у кўплаб йўналиш ва таркибий қисмларни ўз ичига олади, минглаб ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Албатта, мамлакат хавфсизлигини сақлашда иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, ташкилий омиллар, мудофаа қудратини ошириш, куч ишлатиш салоҳиятига эга структураларни мустаҳкамлаш асосий роль ўйнайди. Айни пайтда, юрт тинчлиги ва мамлакатдаги барқарорликни таъминловчи, маънавият ва мафкура соҳалари билан боғлиқ шундай омиллар

¹ Қаранг: Каримов И.А. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. – Т.: 2014.

² Қаранг: Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. Т. “Ўзбекистон” НМИУ.2013.

хам пайдо бўлмоқдаки, буларнинг аҳамияти кейинги пайтларда сезиларли даражада ошди. Тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг маънавий-мафкуравий омилларини фалсафий таҳлил этиш қуйидаги сабабларга кўра долзарб ҳисобланади:

Биринчидан, жаҳон бўйлаб жадал кечаётган глобаллашув жараёнлари инсоният ҳаётининг барча жабҳаларига, шу жумладан дунёнинг геосиёсий манзарасига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда, бунинг натижасида бир томондан тинчлик ва барқарорлик тарафдорлари – иккинчи томондан, нотинчлик ва беқарорлик кўзғашдан манфаатдор бўлган кучлар орасидаги конфронтация кучаймоқда. Йигирманчи асрнинг 90-йилларида вужудга келган кўпқутбли дунёда глобал тинчлик ва барқарорликни сақлаш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш умуминсоний аҳамиятга моликдир.

Иккинчидан, Ўзбекистонда тинчлик ва хавфсизлик Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган стратегияга асосланади, Конституция ва қонунчилик билан кафолатланади, турли шарт-шароит ва омиллар замирида мустаҳкамланади; бинобарин, тараққиётнинг “ўзбек модели” муваффақиятига асос бўлган тинчлик ва ижтимоий барқарорликни илмий-фалсафий таҳлил этиш, унинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омилларини ўрганиш жуда муҳимдир.

Учинчидан, “XXI аср – маънавият асри бўлади”, деган концептуал ғоядан келиб чиқиб, маънавиятнинг ижтимоий ҳаёт турли соҳалари ва жабҳаларига таъсири янада ортиб боришини қайд этиш лозим. Маънавиятнинг Ер юзида тинчлик, эзгулик, инсонпарварлик, миллатлараро тотувлик ғояларини мустаҳкамлаш функцияси биринчи ўринга чиқмоқда. Ижтимоий барқарорлик ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги, узвий боғлиқлиги тобора муҳим роль ўйнамоқда. Мана шу икки соҳа орасидаги диалектик муносабат ва таъсирни тадқиқ этиш ҳозирги пайтда алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Тўртинчидан, Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган вазифалар фақат тинчлик ва барқарорлик шароитида амалга оширилишини ҳисобга олсак, буларни мустаҳкамлашнинг турли омиллари, хусусан, маънавий-мафкуравий омилларини ўрганиш катта аҳамиятга эга экани аён бўлади. Айниқса, миллатнинг истиқлоли ва ёшларнинг истиқболига раҳна солиш учун геостратегик марказлар мафкура полигонларини даҳшатли қуролга айлантираётган бир шароитда халқнинг маънавиятини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш асосий вазифа ҳисобланади. Миллатнинг ўзига хослигини сақлаш ва маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳаётий эҳтиёж бўлиб боради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги даврнинг фалсафий, тарихий, сиёсатшунослик адабиётлари орасида бутун жаҳонда тинчлик ўрнатиш каби умумий шиорларга бағишланган асарлар учрамайди, аксинча, муайян минтақадаги тинчлик ва хавфсизлик, маълум бир даврдаги халқаро муносабатлар, турли минтақалардаги низо ва можаролар етарли тадқиқ этилган. Айрим фан соҳаларидан фарқли ўлароқ, бу соҳада ҳар бир муаллифнинг ўз қараши, ўз талқини ва башоратлари бор.

Мавзуга алоқадор адабиётларнинг катта қисми янги жаҳон тартибига, икки қутбли дунё барҳам топгандан кейинги геосиёсий муаммоларга бағишланган. XX асрнинг таниқли сиёсатшуносли З.Бжезинский, Г.Киссинджер, С.Хантингтон, Е.Бажанов ва бошқалар муҳим ва мунозарали фикрларни баён этганлар¹.

Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва хавфсизлик, бундаги давлатлар билан стратегик муносабатлар нисбатан кенг ёритилган; булар қаторига А.Акимов, В.Васильев² ва бошқа муаллифлар асарлари киради.

¹ Бжезинский З. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы). /Перевод О.Ю. Уральской. М., 1998. Бжезинский З. Выбор. Глобальное господство или глобальное лидерство / Пер. с англ. М., 2004. Киссинджер Г. Дипломатия. Пер. с англ. М., 1997. Классика геополитики. XX век: Сб./ Сост. К.Королев. М., 2003. Хантингтон С. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности. М., 2004. Бажанов Е.П. Современный мир. М., 2004.

² Акимов А.В. Поиск места в мировом хозяйстве. // Центральная Азия: пути интеграции в мировое сообщество. М., 1995. Многомерные границы Центральной Азии. / Под ред. Марты Брилл Олкотт и А. Малашенко. М., 2000. Постсоветская Центральная Азия. Потери и обретения. М., 1998.

Тадқиқот мавзуини ёритишда энг муҳим манба бўлиб Президент И.Каримов асарлари хизмат қилди. Айниқса, Юртбошимизнинг Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” (2011), “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” (2013) ва бошқа асарлари юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг хронологияси, методологияси ва концепцияси тўғрисида муфассал маълумот беради.

Президент Ислам Каримовнинг миллий хавфсизликни ҳамда барқарор тараққиётни таъминлаш борасидаги кенг кўламли фаолиятини ёритиш мобайнида Л.Левитин, Р.Алимов¹ китобларидан фойдаланилди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Ҳуқуқшунослик факультети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедрасининг “Миллий ғоя. Маънавият ва ҳуқуқ таълимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” илмий мавзусидаги тадқиқот ишлари доирасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг маънавий ҳамда мафкуравий омилларини илмий-фалсафий тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаларига қуйидагилар киради: - Мустақиллик арафасида ва Истиқлолнинг дастлабки йилларида юртда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, миллий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-методологик масалаларини ўрганиш;

- Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик концептуал асосларининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши жараёнларини тадқиқ этиш;

¹ Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента Ислама Каримова. М., 2003. Левитин Л. Узбекистан. Эпоха Каримова. М., 2003. Центральная Азия геоэкономика, геополитика, безопасность. / Редколл.: Р. Алимов, Ш. Арифханов, С. Ризаев, Ф. Толипов. -Ташкент, 2002. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. Central Asia: common interests. – Т.: 2005.

- мамлакатда ўрнатилган барқарорликнинг иқтисодий, ижтимоий, миллатлараро ва бошқа жиҳатларини фалсафий таҳлил қилиш;
- Миллий ғоя тизимида “Юрт тинчлиги” тамойилига берилган устуворликнинг илмий асосларини очиб бериш;
- тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг маънавий омиллари ва воситаларини таҳлил қилиш;
- давлат сиёсати даражасига кўтарилган маънавийтни юксалтириш жараёнининг тинчлик ва барқарорликка таъсир хусусиятларини ёритиш;
- “маънавий хавфсизлик” тушунчасининг моҳияти ва мазмунини очиб бериш;
- глобаллашув шароитида тобора кучаяётган мафкуравий таҳдидларни таъриф ва таснифлаш;
- ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш маънавий воситаларини ўрганиш;
- тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда таълим ва маънавий тарбиянинг аҳамиятини тадқиқ этиш ва ҳ.к.

Илмий ишнинг назарий ва услубий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ ва маърузаларида Юртимиздаги тинчликни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур восита ва усуллардан самарали фойдаланиш, тинчликка раҳна солувчи, барқарорликни издан чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мафкуравий ва маънавий таҳдидларга нисбатан иммунитет шакллантириш борасида илгари сурилган фундаментал ғоялари, илғор фикрлари диссертация ишининг назарий-услубий асосини ташкил этади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ўзбекистонда ўрнатилган тинчлик ва барқарорлик яхлит тизим сифатида тадқиқотнинг объектини ташкил этади. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг маънавий асослари ва мафкуравий омиллари тадқиқот предметиدير.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Диссертация натижалари фалсафа, хусусан ижтимоий фалсафанинг “Жамият тараққиёти ва барқарорлигининг маънавий асослари” мавзуларини назарий чуқурлаштиришга, маънавият назарияси ва методологияси, мафкуравий жараёнларнинг ҳозирги замондаги тенденцияларини илмий таҳлил қилишга хизмат этади. Шунингдек, тадқиқот хулосалари ҳозирги пайтда айрим минтақа ва мамлакатларда кўзғатилаётган беқарорлик ва нотинчлик ҳолатларига назарий баҳо бериш ва юртимизда бундай эксцесслар содир бўлиши олдини олиш чораларини илмий асослашга кўмаклашади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан Миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар идоралари, педагог ва тарбиячилар, мафкуравий ва маънавий таҳдидларга қарши кураш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, унинг натижаларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “Маънавиятшунослик”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” ўқув фанларини, “Мафкуравий жараёнларнинг геостратегик ва глобал муаммолари” махсус курсини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда “тинчлик” ва “барқарорлик” тушунчалари, булар ифодаляйдиган ижтимоий ҳолатлар илк бора комплекс тарзда, системали ёндошув асосида фалсафий таҳлил қилинди. Тинчлик ва маънавиятнинг ўзаро уйғунлиги ва таъсирига янгича тавсиф берилди, беқарорликни келтириб чиқарувчи омиллар, буларни бартараф этишда маънавиятнинг роли ва аҳамияти биринчи маротаба илмий асосланди; шунингдек, мафкуравий омилларнинг тинчлик ва барқарорликни сақлашдаги зиддиятли ўрни илк бора илмий асосланди.

Тадқиқот структураси. Магистрлик диссертацияси кириш, 6 параграфни ўз ичига олган 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мазкур бобда “тинчлик” ва “барқарорлик” тушунчаларига таъриф ва тавсиф берилади, улар тизим сифатида структурали-функционал таҳлил қилинади, Ўзбекистонда мустақиллик арафасида ва истиклолнинг дастлабки даврларида хавфсизлик, тинчликни таъминлаш концептуал асосларининг ишлаб чиқилиши ва мураккаб шароитларда ҳаётга татбиқ этилиши, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепцияси тўғрисида”ги Қонуннинг моҳияти ва мазмуни, тинчлик ва хавфсизликка таҳдидларнинг таснифи, миллий ғоя тизимида Юрт тинчлиги тамойилига устуворлик берилишининг тарихий аҳамияти таҳлил қилинади.

1.1. “Тинчлик” ва “барқарорлик” тушунчаларининг фалсафий талқини

Ижтимоий онгнинг кундалик онг даражасида ҳам, назарий онг даражасида ҳам тинчлик ва барқарорлик халқлар учун, бутун инсоният учун бебаҳо неъмат, улуғ саодат сифатида тавсифланади. Тинчликни жаҳондаги барча халқлар қадрлаши, уни сақлаш учун курашиши, барқарор ижтимоий-иқтисодий шароитларда яшашга интилиши аксиома тарзида қабул қилинади. Дунёдаги жамики миллатлар ва барча давлатлар уруш ёки қон тўкишга, қирғин-барот ёхуд ғалаёнга (ҳар ҳолда, очиқ-ойдин ва ошкора) даъват қилмайди, балки тинчлик ва хотиржамликка, барқарор тараққиёт ҳамда ички тотувликка интилади.

Айни пайтда, нотинчлик ва беқарорлик кўзғаш, уруш оловини ёқиш, жанжал-тўполон кўтариш, кўзғолон ва ғалаёнга ундашдан манфаатдор кучлар ҳам борлиги сир эмас. Тинчлик ва уруш орасидаги муносабат эзгулик ва ёвузлик орасидаги кураш каби азалий ва абадий бўлиб туюлади. Мана шундай зиддиятнинг алоҳида олинган бир инсонга хос ички психологик

механизми Президент Ислон Каримов томонидан “Тафаккур” журналига берилган интервьюда (1998) чуқур фалсафий таҳлил қилинган эди. *“Менинг назаримда, - деб таъкидлаган эди Юртбошимиз, - одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ”*.¹

Бу теран фалсафий фикр азалий бир ҳақиқатни ошкор этади, яъни “инсон табиатида инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ”. Бинобарин, инсон ҳам бунёдкор, ҳам вайронкор, ҳам тинчлик ижодкори, ҳам нотинчлик сабабчиси. Бугун аччиқ бўлса-да тан олишимиз керакки, телевизор экранлари орқали намойиш этилаётган дунёнинг турли минтақаларидаги жанг-у жадаллар, ур-йиқитлар, тизгинсиз, бебошвоқ йиғин-сиғинлардаги ваҳшийлик, зўравонликлар юқоридаги фикрларни исбот этади. Ёндирилаётган автомашиналар, куйдирилаётган жасадлар, сазойи қилишлар, на сиёсатга, на мансаб-мартабага даъвоси бўлмаган оддий одамлар яшайдиган турар-жой биноларининг портлатилиши ёхуд сўнгги пайтда пайдо бўлган “худкуш” (“камикадзе”, “шаҳид”) ларнинг автобуслар, аҳоли жамланадиган жойларда ўзларини портлатиб юбориб, қанчадан-қанча бегуноҳларнинг қонини тўкаётгани ҳам юқоридаги фикрга далилдир.

Бизнинг мавзу учун юқоридаги фикрларнинг аҳамиятли томони – тинчлик ва барқарорликнинг социал базаси, яъни ижтимоий заминини аниқлаш билан бир қаторда, нотинчлик ва беқарорлик қўзғовчи кучларни таснифлаш, уларни ҳаракатга келтирувчи геосиёсий манфаатларни таҳлил қилиш ҳам зарурлигидир.

Йигирманчи аср иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон ҳамжамияти Ер юзиде тинчлик ва барқарорликни таъминлаш чораларини кўриб келмоқда, шу

¹ Каримов И.А. “Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин!”, “Тафаккур” журналига берилган интервью. 1998 й. №3.

мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа кўплаб халқаро уюшмалар таъсис этмоқда. Ўтган асрда иккита жаҳон уруши, қанчадан-қанча қонли тўқнашувларни бошидан кечирган инсоният фашизм ва милитаризм устидан ғалаба қозонгач, тинч ва осуда яшашга умид қилган эди. Аммо 50-йилларда социализм ва капитализм орасидаги зиддият ниҳоятда кескинлашди, “совуқ уруш” бошланиб кетди, мафкуравий қарама-қаршилик апогейга етди.

1991 йилда икки қутбли дунё барҳам топгач, энди тичлик ва осойишталик Ер юзида ҳукм суради, деган орзулар ҳам чиппака чиқди, минтақавий можаролар, ички низолар, давлатларнинг ички ишларига аралашуш, “рангли инқилоблар”ни тарқатиш, халқаро терроризм ва бошқа хавф-хатарлар юзага чиқди. Бинобарин, кўп қутбли дунё бироз тинч ва бехатар бўлади, деган башоратлар амалга ошмади, дунёда нотинчлик ва ғалаёнлар тўхтамади, шу кунларда ҳам айрим минтақаларда (масалан, араб мамлакатларида 2011 йил баҳорида, Украинада 2014 йил қиш ойларида) нотинчлик ва беқарорлик вужудга келмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”¹ номли рисоласида тинчлик ва барқарорлик масалаларига, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу рисола Юртбошимизнинг 2013 йил 9 май Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан берган интервьюси асосида тайёрланган. Бинобарин, ҳали Украинада айнан ички низолар, бир миллатнинг мафкуравий жиҳатдан иккига бўлиниши, ўзаро тўқнашувлар ва қон тўкилишига олиб келишига ярим йилдан зиёд вақт бор пайтда айтилган фикрлар илмий башорат экани аён бўлди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: “тинчлик ўзи нима, унинг фалсафий талқини борми, моҳияти ва мазмуни очиқ берилганми?”

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. Т.: “Ўзбекистон”. 2013.

Фалсафий таҳлил муайян тушунчага мантикий таъриф бериш, уни тавсифлаш, мазкур тушунча ифодаладиган ижтимоий ҳодиса ёки ҳолатнинг генезиси ва эволюцияси, сабаб-оқибат (каузал) боғланишлари, моҳияти ва намоён бўлиши, шакли ва мазмуни, зарурий ва тасодий жиҳатлари, умуман олганда, фалсафанинг барча қонунлари ва категориялари призмаси орқали ўтказишни тақозо этади. “Тинчлик” тушунчасининг таҳлили ҳам таъриф ва тавсиф беришдан бошланиши мақсадга мувофиқ.

“Тинчлик” ва “барқарорлик” тушунчаларини фалсафий таҳлил қилиш мобайнида парадоксал ҳолатга дуч келасиз. “Тинчлик, осойишталик ҳар бир одамга сув билан ҳаводек зарур”, деган ибора халқ орасида кенг тарқалган. Ғалатилиги шундаки, сув билан ҳавонинг ҳам физик, ҳам кимёвий хоссалари мукаммал ўрганилган, бадий адабиётда уларга ҳамду санолар ўқилган. Аммо, “тинчлик” тушунчасига таърифни на “Маънавият” тушунчаларнинг изоҳли луғати, на “Фалсафа. Қомусий луғат”идан, на Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидан топасиз. Фақат “Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати” мазкур тушунчага қуйидаги таърифни беради: “Тинч – безовта қиладиган нарсалардан ҳоли, “тинчлик” – тинч ҳолат”¹.

Эътиборли жиҳати шундаки, тинчликка таъриф бериш учун албатта унинг зидди бўлган тушунча – урушга мурожаат қилишга мажбурсиз. “Тинчлик – урушсизлик ҳолати”, “уруш бўлмаса – тинчлик бўлади” қабилидаги “доно”ликларни кўп эшитамиз. Лекин бу мантиқан изчил, фалсафий тўғри таърифлар эмас.

Инсоният тарихи яратишлар, бунёдкорлик, эзгулик тарихи бўлиши билан бирга, урушлар, йўқотишлар даври ҳамдир. Ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, сўнгги 6 минг йил мобайнида Ер шарида 15 мингдан зиёд уруш содир бўлган. Шу даврнинг ичида атиги 300 йилгина урушсиз кечган. Америкалик муаллиф Р.Кларкнинг “Уруш илми ва тинчлик” китобида келтирилишича, 1820 – 1859 йилларда 92 та урушда 800 минг (жами аҳолининг 0.1 фоизи), 1860 – 1899 йилларда 106 та урушда 4,6 миллион (0,4 фоиз) одам

¹ Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. Т.: Шарқ. 2001. Б.255.

кирилиб кетган¹. Биринчи жаҳон уруши даврида 10 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши даврида уларнинг сони 50 миллион кишидан ортиб кетди.

Хуллас, уруш, ундаги ҳалокатлар ва мардликлар тўғрисида минглаб саҳифа ёзиш мумкин бўлгани ҳолда, тинчлик ҳақида гапириш анча мушкул туюлади.

Тинчлик тушунчасидан фарқли ўлароқ “барқарорлик” тушунчаси фалсафий адабиётда ўз ифодасини бирмунча батафсил топган. Фалсафа фанида ҳаракат – материянинг, борлиқнинг яшаш усули экани илмий исботланган, ҳаракатнинг – мутлақ, сокинлик, яъни тинчликнинг – нисбий характери асосланган. Ижтимоий фалсафа жамият тараққиётининг қонуниятларини баён этиш бобида “барқарорлик” тушунчасига куйидагича таъриф беради:

“Барқарорлик - жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиши, ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир текис фаолият кўрсатиш имкониятидир. У турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади. Ижтимоий-сиёсий турғунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимнинг таназзули аломатидир.

Жамиятда барқарорлик беқарорлик билан, инқироз гуллаб-яшнаш билан алмашиб туриши ҳам мумкин. Жамиятнинг маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида муайян ютуқларга эришилгач, ижтимоий имкониятлар руёбга чиқарилиб бўлгач, унинг бундан кейинги тараққиёти йўлида янги муаммолар туғилади ва уларни ҳал этиш вазифаси пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг маънавий салоҳияти, миллий психологияси, табиий равишда мавжуд сиёсий тузум кишиларни бошқаришнинг ўзига хос усулларини ҳаётга татбиқ этади. Инсоният ҳаёти тарихида жамият барқарорлигини таъминлашнинг монархияга асосланган, аристократик, тоталитар ва демократик усуллари тажрибадан ўтган”².

¹ Иқтибос куйидаги асардан олинди: **Жўраев Н. Тарих фалсафаси.** Т.2006.

² Фалсафа. Дарслик. – Т.2005. Б.176.

Бекарорлик ички ва ташқи жараён ва таҳдидлар натижасида вужудга келади. Бекарорлик бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошқа бир ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш даврида кескинлашиши мумкин. Жамият барқарорлигининг издан чиқиши кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришларда, қонунларнинг ишламаслигида, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслигида, ижтимоий идеалларнинг йўқолишида, ғоя ва мафкурага лоқайдликнинг кучайишида, турли жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлишида, ижтимоий адолат мезонларининг бузилишида, давлат идораларининг аҳолини бошқариш қобилияти кучсизланишида, турли зиддиятларнинг кескинлашувида ўз ифодасини топади.

“Тинчлик” турли тиллар лексиконидаги оддий сўзми, ёки тушунчами, ва ёхуд илмий категориями – бу саволга аниқ жавоб бериш осон эмас. Кундалик онг даражасида тинчлик деганда осойишталик, сокинлик, одатдаги, яъни “нормал” ҳолат, низосиз, жанжалсиз ўтаётган соат, кун, йил тушунилади. Шоир Абдулла Ориповда шундай сатрлар бор:

“Бир кун ийигитнинг мардлиги тутди,

Дастурхонин ёзиб дўстларин кутди.

Зиёфат сабабин сўрашса, деди:

- Бугун уйда куним бежанжал ўтди.”¹

Хулоса шуки, можаро, низо, жанжал, урушсиз яшаш тинчлик деб аталади. Ижтимоий–сиёсий маънода тинчлик миллий хавфсизликни, давлат таянч устунларининг бардавомлигини, мудофаа салоҳиятининг юқори даражасини билдиради. Демак, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги, мудофаа қудрати, қуролли кучлари бари тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Тинчлик деган абстракт (мавҳум) тушунчадан фарқли ўлароқ “миллий хавфсизлик” тушунчаси ҳозирги даврда ҳеч кимда эътироз ёки савол уйғотмайди, чунки мазкур тушунча кўплаб давлатларда ва халқаро муомалада кенг ва ўринли қўлланилмоқда.

¹ Абдулла Орипов. Менга хушхабар айт. – Т.: “Маънавият”. 2009. Б.67.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ижтимоий дунёқараш ва жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий-сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб тарихга кирди. Жаҳон ҳамжамияти янги даврга қадам қўйди. Бу давр ўзининг икки жиҳати билан ажралиб туради. **Биринчидан**, бу давлатлар, халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит бўлган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконларнинг вужудга келиши, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ нормаларининг яратилишидир. **Иккинчидан**, “социалистик лагер”нинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, уларнинг ўрнида мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Эндиликда “совук, уруш”га барҳам берилди, “капиталистик” ва “социалистик” деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб боряпти. Мафкуравий ақидалардан ҳоли бўлган янги, эркин тафаккурни шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг энг асосий, энг дастлабки омили – миллий хавфсизликни таъминлашдир. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги асосий тамойиллар ҳаётга жорий этилиши, амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, миллий манфаатларнинг устуворлиги таъминланиши даркор. Хўш, миллий манфаатларга нималар киради?

Бозор муносабатларига ўтиш даврида миллий манфаатларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Барча турдаги таҳдидларни бартараф этиш, тинчликка ва барқарорликка раҳна соладиган бундай хатарларнинг олдини олиш.
2. Мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш, чегараларнинг дахлсизлиги, сиёсий ва божхона чегараларини ишончли қўриқлаш.
3. Конституция билан кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миллатлараро ҳамда фуқаролараро тотувликни сақлаш.
4. Сиёсий ва геосиёсий майдонларда мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш, таъминлаш.
5. Иқтисодий барқарорликни, ўсишни таъминлаш.

Тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг иккинчи тамойили – қонунийлик тамойилидир. Бу ўринда тинчлик ва миллий хавфсизликни таъминлаш тизими изчил қонуний асосга қўйилиши, ушбу соҳага жавобгар бўлган органлар ва ходимлар фаолиятида қонунга оғишмай риоя этилиши хусусида гап кетмоқда. Тинчлик ва миллий хавфсизликни таъминловчи органлар мутасадди ходимларининг унинг муҳофазасига учун қонун олдида масъуллиги ҳам мазкур тамойил талабларидандир.

Учинчи тамойил – ошқоралик тамойили, яъни давлат, хизмат ва коммерция сирларини қатъий сақлаган ҳолда жамиятнинг хабардорлиги.

Тўртинчи тамойил – миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг ягоналиги, бир мақсадга– тинчлик ва барқарорликни сақлашга йўналтирилгани.

Бешинчи тамойил сифатида миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб бориладиган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги ва оқилоналигини кўрсатиш мумкин.

Тинчлик ва барқарорликни сақлаш мақсадида аксарият давлатларда миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилган ва амалиётга киритилган. Миллий хавфсизлик концепцияси – Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари, уларни таъминлаш ва амалга ошириш ҳамда ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофаза қилиш принциплари, восита ва усуллари тўғрисидаги расмий қарашлар тизимидир.

Миллий хавфсизнинг асосий объектлари қуйидагилар:

1. Шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари.
2. Давлат, унинг конституциявий тузуми, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги.

Миллий хавфсизликка таҳдидларнинг манбалари:

Россиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, у давлатга 3 та тахдид хавф солади: 1) геосиёсий муҳолифлар; 2) россиялик элитанинг компрадор йўналишдаги қисми; 3) уюшган жиноятчилик.¹

Энг катта хавф-хатарлар:

– ташқи кучларнинг мамлакат ички ишларига аралашуви, вазиятни хориждаги муайян кучларнинг манфаатларига мос келадиган ўзанга буришга интилишлар.

– қайта ишловчи саноатни ҳамда қишлоқ хўжалик комплексини кенгайтирилган ишлаб чиқариш режимида ишлашига тўсқинлик қилиш;

– хом ашёни экспорт қилиб, ташқаридан асбоб-ускуналар, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини импорт қилишга қарам бўладиган вазиятни туғдириш;

– индустриал тараққиётни, илмий-техник прогрессни, қишлоқ хўжалиги ривожини бўғиш;

– капитални четга оғдириш;

– жаҳон бозорига йўлни беркитиш;

– ресурсларни сўриб олиш ва ҳ.к.

Яна россиялик айрим мутахассислар (масалан, В.Алешкин) миллий хавфсизлик бир қатор йўналишларга эга эканини ҳақли равишда таъкидлаб, куйидагиларни асосий деб ҳисоблайди:

– геосиёсий хавфсизлик;

– мудофаа қудрати;

– сиёсий хавфсизлик;

– ижтимоий хавфсизлик,

– иқтисодий хавфсизлик,

– озиқ-овқат хавфсизлиги,

– демографик хавфсизлик,

– экологик хавфсизлик,

– ахборот хавфсизлиги,

¹ Қаранг: Алешкин В. Национальная безопасность России. М. 2010.

– психологик хавфсизлик (инсон онги миллий хавфсизлик объекти сифатида).

Маълумки, миллий хавфсизлик концепцияси асосида миллий хавфсизлик тизими яратилади ва у фаолият юритади. Шу орқали давлатнинг хавфсизлиги, миллатнинг тинчлиги сақланади.

Миллий хавфсизлик тизими давлат ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан муҳофаза қилишга йўналтирилган:

- қонунчилик актларини,
- хавфсизликни таъминлаш кучлари ва воситаларини,
- хавфсизлик органлари мажмуини ўз ичига олади.

Давлат ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакат ҳудудининг яхлитлиги, бўлинмаслиги;
- аҳоли сонининг бир маромда ўсиб бориши;
- халқнинг давлат-иқтисодий ўз-ўзини англаш даражаси;
- иқтисодий ва ижтимоий фаровонлик;
- руҳий ва жисмоний соғлиқ;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

Хулоса қилиб айтганда, тинчликнинг структураси нисбатан мураккаб, компонентлари кўпсонли, ички боғланишлари зиддиятлидир.

1.2. Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили

Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташқи сиёсий йўл, бу йўлнинг ҳуқуқий негизи ва уни амалга ошириш воситалари ҳақида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўли, асосий қоидалари ва мақсадлари, унинг устувор ва минтақавий йўналишлари, хусусиятлари негизида мамлакатимизнинг миллий манфаатлари жой олган. Ҳар қандай сиёсат ақл-идрок билан иш

тутишни тақозо этади. Ривожланаётган, тез тараққий этиш учун кучли илмий, саноат куч-қувватига эга бўлган мамлакатнинг ташқи сиёсати эҳтирослардан ҳоли бўлиши лозим. Ўзбекистон ана шундай давлатлар сирасига киради. Янги халқаро иқтисодий тартиб учун ҳаракат қилиш қоидалари Ўзбекистон учун ҳам диққатга молик масаладир. Бу – ҳам ашё ва саноат маҳсулотлари нарх-наволарининг адолатли бўлган нисбати, ривожланаётган давлатларнинг фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконияти ва ҳоказолардир.

Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” асари тинчликни сақлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш ва мамлакат мудофаа қудратини оширишнинг мукамал ишланган, илмий асосланган реал ва объектив программаси ҳамда режаси бўлди, дейиш мумкин.

Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги – бу мустақил юртимизнинг, кўпмиллатли халқимизнинг миллий манфаатларини Конституция билан, қонунчилик ҳамда амалий чоралар билан муҳофаза қилинган ва таъминланганидир.

Президент Ислом Каримовнинг 1997 йилда нашр этилган фундаментал асари номида тинчликка соя соладиган хатарлар “хавфсизликка таҳдид” деган тушунча билан номланди¹. Тинчлик (миллий хавфсизлик) кенг қамровли ва чуқур мазмунли тушунчадир. Мустақил, суверен давлат ва халқ бор экан, унинг хавфсизлиги, юртнинг тинчлиги доимо зарур ва муҳим бўлиб қолаверади.

Ўзбекистонда тинчликни сақлаш, миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласи 90-йиллардан – СССР парчалангандан сўнг Ер юзининг геосиёсий майдонида юз бера бошлаган воқеа-ҳодисалар асносида янада кескинлик касб этди. Сиёсий мустақилликка эришган, аммо иқтисодий муаммолар исканжасига солинган, аввалги тузумнинг манфур сиёсати туфайли ҳамма

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари”.

соҳаларда тараққиётнинг четида қолдирилган ёш давлатимиз ўз ҳарбий салоҳиятини, муҳофаа тизимини, қуроли кучларини тамомла янги асосда барпо этиши, тиклаши лозим эди.

Мана шундай мураккаб ва зиддиятли бир даврда Ўзбекистон раҳбарияти собитқадамлик билан мустақилликни мустаҳкамлаш, бунинг учун эса, энг аввало тинчлик ва барқарорликни, миллий хавфсизликни таъминлаш масаласига асосий эътиборни қаратди.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга қабул қилинди. Президентимиз ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. “Ўзбекистонда, — деган эди Ислом Каримов, — миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир”. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан 1993 йил февраль ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.

БМТ уставида ва Халқаро ҳуқуқ принциплари бўйича декларацияда куйидаги 7 та асосий принцип қайд этилган:

- 1) куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;
- 2) зиддиятларни тинч йўл билан бартараф этиш;
- 3) бирон-бир давлатнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 4) халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаши;
- 5) ҳамкорлик;
- 6) давлатларнинг суверен тенглиги;
- 7) халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш.

Булар ЕХХТнинг 1975 йилдаги якуний актида рўйхатга олиниб, 3 та принцип билан тўлдирилди:

- 1) чегараларнинг дахлсизлиги;
- 2) ҳудудий яхлитлик;
- 3) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принциплари.

Президент Ислом Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” номли маърузасида (2005 йил 28 январь) ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни белгилаб берди:

- 1) давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир;
- 2) Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш. Албатта, бунда минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганини ҳам тан олиш керак;
- 3) “Қўшнинг тинч — сен тинч” ҳаётий нақлига риоя этиш;
- 4) БМТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш. Шунингдек, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, НАТО каби халқаро тузилмалар, АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва бошқа давлатлар билан демократик тамойиллар асосида алоқаларни ривожлантириш;
- 5) халқаро терроризм ва радикализмга қарши курашда бирдамликни таъминлаш ва ҳ.к.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати Конституциянинг 4-боб, 17-моддасида¹ мустаҳкамланди, унда мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсатининг қуйидаги **5 та ҳуқуқий принципи** ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

- 1) давлатларнинг суверенитети, тенглиги;
- 2) куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик;
- 3) чегараларнинг дахлсизлиги;
- 4) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 5) бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Бу принциплар Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларини кўзлаб сиёсат олиб бориш борасидаги тамойиллари билан уйғунлаштирилди. Президент Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга оширишнинг 6 та амалий принципини асослаб берди, улар:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2012.

1. миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;
2. умумбашарий кадриятлар устуворлиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш;
3. тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тенглар орасида тенг бўлиш;
4. мафкуравий қарашлардан қатъи назар, барча давлатлар билан тенг алоқалар ўрнатиш;
5. ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш;
6. ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси тўғрисида” Олий Мажлис қарори қабул қилинди¹.

1996 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди².

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ қуйидаги асосий тамойилларни ишлаб чиқди ва уларга амал қилиб келмоқда:

ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, давлат миллий манфаатининг устуворлиги; тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлатнинг миллий ҳуқуқ нормаларидан устуворлиги;

ташқи алоқаларни икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

¹ Қаранг: Олий Мажлис ахборотномаси. 1995 й. сентябрь

² Қаранг: Олий Мажлис ахборотномаси. 1997 й. Январь.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ўз ташқи сиёсатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятга эга бўлди. Эндиликда ташқи сиёсат мустақил тарзда амалга оширилмоқда.

Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон-бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан, тараққиётга эриша олмайди. Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон неча-неча асрлардан буён динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуқтаси бўлиб келмоқда.

Айниқса, Амир Темури ва Темурийлар даврида дунёдаги йирик давлатлар Самарқанд билан ўз алоқаларини ўрнатган. Амир Темурнинг Франция, Англия, Испания қироллари, ўнлаб кўшни давлатларнинг хукмдорлари билан ёзишмалари ўша даврдаги жўшқин сиёсий, маданий ва савдо алоқаларидан гувоҳлик беради.

Чор Россияси босқинидан сўнг 130 йилдан ортиқ давом этган мустамлака даври мамлакатимизнинг ташқи алоқаларини узиб қўйди. Хориж билан барча муносабатлар истилочиларнинг назорати ва рухсати билан амалга оширилар эди. Бир пайтлар дунёга донг таратган ўлкамиз чекка бир вилоят даражасига тушириб қўйилди. Советлар даврида эса четга чиқарилган бир-икки дипломат ҳамда вазифаси олий рутбали хорижликларни меҳмон қилишдан иборат бўлган Ташқи ишлар вазирлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳондаги 180 дан ортиқ давлат тан олган, давлатимиз дунёдаги 130 га яқин мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатган. Юртимизда 88 та чет давлат ваколатхонаси рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот, 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистон элчихоналари ва молия ташкилотлари тенг ҳуқуқли асосда фаолият юритмоқда. Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор.

Ўзбекистонда эса, 86 элчихона ва савдо ваколатхоналари аккредитация қилинган.¹

Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган. Мустақил Ўзбекистон дипломатия соҳасида ўз салоҳияти ва анъаналари борасида аниқ, асосланган ва узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни олиб бормоқда. Дипломатия кадрларини тайёрлаш учун Тошкентда 1993 йилдан буён Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг конституциявий замини яратилди. Шунга мос равишда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланмоқда. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унга хизмат қиладиган табиий ва техникавий заҳиралар, мустаҳкамланаётган халқаро муносабатлар демократик ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун барча шароитларнинг босқичма-босқич яратилишига кафолат беради.

Ўзбекистон Конституцияси “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунда белгиланган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Мазкур анъаналарга кўра, халқаро ҳуқуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбаи бўлиб, Ўзбекистон ўзининг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини конституциявий даражада мустаҳкамлаб, намойиш этмоқда. Бу эса ёш мустақил давлатимизнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларга қабул қилиниши ва уларнинг таркибида муносиб фаолият кўрсатиши учун имкон берди. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар томонидан дипломатик тан олинishiга, халқаро иқтисодий муносабатларга киришишига йўл очди.

БМТ устави, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги бошқа халқаро пактлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид хартиялари қоидалари Конституциямиздаги халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига асос бўлди. Бундай конституциявий ёндашув,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2007. – 23-б.

айниқса, Конституциянинг мукаддимасида, 4- бобида, иккинчи бўлимда 22, 23 ва 26-бобда яққол кўзга ташланади. Бу бобларнинг тегишли равишда “Ташқи сиёсат”, “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”, “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти”, “Сайлов тизими”, “Мудофаа ва хавфсизлик” деб номланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

I боб бўйича хулосалар

Хулоса қилиб айтганда, тинчлик ва барқарорлик кенг ҳажмли, мазмунан теран тушунчалар бўлиб, булар ҳар бир халқ, ҳар бир шахс ҳаётига дахлдор, инсоният учун ҳам, ҳар бир миллат учун азиз ва қадрли ҳисобланади.

Тинчлик – ижтимоий-фалсафий категория бўлиб, сокин ва осойишта ҳаётни, низо ва жанжалларсиз вазиятни, уруш ва тўполон йўқлигини англатади.

Барқарорлик - жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиши, ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир текис фаолият кўрсатиш имкониятидир.

Тинчлик ва барқарорликни сақлаш – серқирра, комплекс вазифа бўлиб, у кўплаб йўналиш ва таркибий қисмларни ўз ичига олади, минглаб ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади ҳамда буларни таъминлашнинг маънавий-мафкуравий омилларини фалсафий таҳлил этиш ўта долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда тинчликни сақлаш миллий хавфсизлик концепциясига, ташқи сиёсий фаолият стратегиясига, Конституция ва бошқа қонунлар асосида таъминланади.

БОБ. ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ

Ушбу боб тинчлик ва барқарорликнинг маънавий компонентларини фалсафий таҳлил қилиш, юрт тинчлигини асрашда аҳамияти бўйича ҳарбий-иқтисодий салоҳиятдан кам бўлмаган маънавий омилларнинг родини ўрганиш, миллий хавфсизликнинг муҳим йўналиши бўлган маънавий хавфсизлик тушунчасига аниқлик киритиш масалаларига бағишланган. Шунингдек тинчликни асрашнинг маънавиятга алоқадор – ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ғояларининг юртда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги родини таҳлил қилишга, шу асосда маълум бир амалий тавсия ва хулосалар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди.

2.1. Юрт тинчлигининг маънавий компонентлари

Юрт тинчлиги – миллий истиқлолимизнинг асосий ғояларидан бири бўлиб, у бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш умумбашарий масала. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида жамиятнинг асосий масалалари тинчлик-тотувлик шароитидагина самарали ҳал этилган. Шу боисдан ҳам юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гаровидир.

Тинчликка ўз-ўзидан, қуруқ хоҳиш-истак билангина эришиб бўлмайди. Уни изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина таъминлаш мумкин.

Босқинчилик ҳаракатлари, миллий, диний ва бошқа хилдаги турли низолар, уруш-жанжаллар минг йиллар мобайнида башариятнинг умумий тараққиётига панд бериб келди. Ўтган минг йиллар давомида инсоният кўплаб урушларни бошидан кечиргани юқорида қайд этилди. XX асрдаги юз берган иккита жаҳон урушида 60 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлган. Афсуски, бу иллатдан инсоният ҳанузгача тўла қутулгани йўқ.

Уруш ва низолар, беқарорлик ва бузғунчилик ғоялари, ҳар қандай ғоя сингари, аввало, баъзи инсонлар онгида пайдо бўлади ва сўнгра маълум бир гуруҳлар онгига сингдирилади ҳамда амалга оширилади. Масалан, фашизм, аввало, Муссолини ва Гитлер каби бузғунчи одамлар онгида пайдо бўлган, кейин ижтимоий кучга айланиб, ўта салбий оқибатларга сабаб бўлган.

Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадларининг кафолати деб билади. Шу боис ота-боболаримиз дуога қўл очса, даставвал тинчлик-омонлик тилайди, халқимиз ҳам “Тинчлик бўлса, ҳар қандай эзгу мақсадга эришиш мумкин” деган қарашга таяниб яшайди.

Лекин тарих сабоқлари шундан далолат берадики, орзу-ниятнинг ўзи билангина узоққа бориш қийин. Юрт тинчлиги – дунё ва минтақалар тинчлиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда тинчлик ниҳоятда муҳим омил сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

Халқаро майдонда рўй бераётган туб сиёсий ўзгаришлар тинчликнинг кадрини янада оширмоқда. Бошқача айтганда, халқимизнинг “Қўшнинг тинч – сен тинч” мақоли янада теранроқ маъно касб этиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласида ҳам ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок “Қўшнинг тинч – сен тинч”, деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Б.??

Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш концепцияси ана шу йилларда назарий жиҳатдан асосланди, амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этилди. Президент Ислон Каримовнинг ҳар бир маърузаси ва нутқи, интервью ва мақоласида тинчлик масаласи кўтарилди, Ватан равнақининг, халқ фаровонлигининг замини, пойдевори, мустаҳкам асоси тинчлик экани қайта-қайта таъкидланди. Юртбошимиз асарларининг 6-жилди “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан” (1998), 10-жилди “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз” (2002), 12-жилди “Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ” (2004) деб номлангани ҳам бу масаланинг беқиёс аҳамиятидан дарак беради.

Истиқлолнинг дастлабки йилида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида 1992 йил 4 январь куни сўзланган маърузада) Президент халққа мурожаат этиб шундай деди: **“Азиз дўстлар!**

Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб берамиз. Лекин, азиз оналар, опа-сингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен Президент бўлсам ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиламан: шу масалада ёрдам қилинг!

Ахир, Қуръони карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди.

Жанжал чиққан юртнинг худоси ҳам ундан юз ўгирар экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан.

Бу йўлда - тинчлик, тотувлик йўлида бизни Оллоҳ таолонинг ўзи қўлласин, мададкор бўлсин!”¹

Ҳар хил бузғунчи кучлар, диний ва дунёвий ниқобдаги радикал оқимлар бош кўтарган ўша нотинч даврда Ислон Каримовнинг чуқур изтироб билан ўртаниб, халққа қилган мурожаатидаги ушбу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, дунёдаги бебаҳо бойлик бўлган тинчлик ва осойишталикни сақлаш, уни кўз қорачиғидек асраш масаласи мамлакатимиз

¹ Каримов И.А. *Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида*. Б. 88

рахбари Ислом Каримовнинг фаолиятида доимо энг муҳим, энг устувор йўналиш бўлиб келди ва ҳозир ҳам диққат марказида турибди.

Бунинг яққол далили – Юртбошимизнинг 2013 йил Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан журналистларга берган интервьюсидир. “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”¹ деган ном билан нашр этилган бу интервью фақат республикаимиз ёки минтақамизда эмас, балки бутун жаҳонда катта қизиқиш уйғотди, кенг эътироф этилди.

Жаҳон тажрибаси ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўз тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлиши умумий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш гарови эканини кўрсатди. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришганидан кейин ўз миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаш, ривожланишнинг ўзбек моделини яратиш имконига эга бўлди.

Афсуски, уруш ва тинчлик, инсониятни уруш оловларидан сақлаб қолиш муаммоси ХХI асрда ҳам сақланиб қолмоқда. Дунёнинг турли чеккаларида уруш алангалари чиқмоқда, йирик давлатлар ўз геополитик қарашларини амалга ошириш, дунёга эгалик қилиш каби манфаатларини, афсуски, баъзан турли жанжаллар чиқариш орқали ҳимоя қилмоқда.

Шунинг учун ҳам Ислом Каримов “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” интервьюсида дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршилиқлар, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилишини таъкидлади. Масаланинг энг ташвишли жиҳати шундан иборатки, ҳали дунёда фашизмнинг тикланишидан манфаатдор бўлган кучлар борлиги маълум бўлмоқда. Юртбошимиз қайд этганларидек, бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 68 йил тўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора

¹ Каримов И.А. “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”. Т. 2013.

тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оқибатларга олиб келиши муқаррардир.

Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли кучли ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, маънавий барқарорликка эришилди. Халқимиз кўлга киритган натижаларнинг негизидан турган асосий омил – бу мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганидир.

Президентимиз ўз рисоласида Иккинчи жаҳон урушидан, Хотира ва кадрлаш кунидан оладиган сабоқларимиз ҳақида батафсил тўхталди.

Биринчи хулоса шуки, инсон хотираси абадий ва у доимо ҳақиқатни акс эттиради. Бу, таъбир жоиз бўлса, адолатли, маърифатли жамият қуришнинг ҳам асоси, ҳам кафолатидир. Тарихий хотиранинг боқийлиги аслида тарихга ҳаққоний тарзда муносабатда бўлишда намоён бўлади. Тарихни сохталаштириш, унга сиёсий-мафкуравий манфаатлар нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш кишиларни чалғитади, жамиятни бузади, барқарорликка путур етказди. Шу аснода, Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабада Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг муносиб ҳиссаси борлигини онгли равишда англаш халқимизнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшади, Амир Темур, Жалололдин Мангуберди каби она-юрт, Ватан учун курашган, жон фидо қилган аجدодларимиз жасоратини англаш инсонда ўз қаҳрамонларидан ғурурланиш ҳиссини уйғотади.

Иккинчи хулоса мустақиллик феноменини англаш билан боғлиқ. Гап шундаки, фуқароларнинг айрим қисмида ҳали совет тузумини кўмсаш кайфияти мавжуд. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллик байрамида давлатимиз раҳбари таъкидлагани каби, совет тузумини кўрмаган айрим ёшларда ҳам ўша даврни кўмсашга интилиш бор. Бу ўта хавфли ҳолат ҳисобланади. Қарийб 3 минг йиллик ўзбек миллий давлатчилиқ тарихи давомида 200 йил Эрон аҳамонийлари, 180 йил грек-македонлар, 200 йил араблар, 150 йил мўғуллар, 130 йил чор Россияси ва совет мустабид тузumi келтирган жабр-зулмлар, моддий ва маънавий йўқотишлар, энг ёмони, халқимиз кадр-

қимматининг камситилиши каби ҳолатларни унутиш мумкинми? Асло унутиб бўлмайди.

Шундай экан, мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришилган ютуқлар, халқимизнинг ўзлигини англаш жараёнлари, инсон қадр-қимматининг тикланиши – буларнинг барчаси мустақиллик йўлида жон фидо қилганлар хотирасини эслаш, тарихий хотиранинг жамият ва инсоннинг яратувчанлик фаолиятини оширадиган омил сифатидаги ролини англашга хизмат қилади.

Учинчи хулоса инсоннинг теварак-атрофда рўй бераётган ижтимоий ҳодиса-воқеаларни таҳлил қила олиш кўникмаси билан боғлиқ. Шу маънода, Ислон Каримовнинг дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур, деган фикрларида жуда чуқур маъно бор.

Аслида, бепарволик, лоқайддик, масъулиятсизлик билимсизлик оқибатидир. Ўз уйида, маҳалласида, ишхонасида, пировард натижада жамиятда содир бўлаётган хоҳ ижобий, хоҳ салбий ҳолатларга ўзининг дахлдорлигини ҳис этган шахс, ҳеч шубҳасиз, ўз манфаатларини Ватан ва миллат манфаатидан юқори қўймайди.

Тўртинчи хулоса, назаримизда, энг муҳим хулоса бўлиб, маънавият, маърифат инсон дунёқараши билан боғлиқ эканини назарда тутати. Аслида, инсон хотираси, унинг қадр-қиммати шахснинг маънавияти билан боғлиқ. Ислон Каримов ўз интервьюсида муҳим назарий-методологик масалага эътиборни қаратди. Яъни, инсоннинг дунёқараши, унинг ҳаётга, меҳнатга, касбига бўлган муносабати уч муҳим масалада ўз аксини топмоқда. Булар – халқимизнинг мустақил фикрлаши, ижтимоий фаоллиги ва маънавий оламнинг шаклланишидан иборатдир.

Ушбу уч ўқилдиз Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Шахснинг мустақил фикрлаши кўпроқ унинг ижтимоий фаоллигига боғлиқ. Ижтимоий фаол

инсон аслида ўзини ижтимоий экспертизадан ўткази оладиган, ўзида масъулият ҳиссини туйган кишидир. Айни пайтда инсондаги мустақил фикрлаш ва ижтимоий фаоллик унинг маънавий оламидаги ҳолатга боғлиқ. Агар шахс ўзининг кучли маънавий оламига эга бўлмаса, унинг ижтимоий фаоллигию мустақил фикрлаши ғайриинсоний мақсадлар учун хизмат қилиши мумкин.

1. Чиндан ҳам, тинчлик бўлган жойда тараққиёт бўлади. Бир-бирини кўролмасдан, гиж-гижлашган, низо-адоватга борган жамоада ҳам, эл-юртда ҳам ҳеч қачон ривожланиш, раванқ бўлмайди. Бу ҳақиқатни онгу шууримизга чуқур сингдириб, унинг кадр-қимматини унутмаслигимиз зарур.

2. Иккинчи масала шуки, тинчлик осмондан тушмайди. Тинчлик-осойишталик мустақил тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг асоси экан, бунинг учун курашиш, керак бўлса, бу йўлда фидойилик кўрсатиш лозим. „Олма пиш — оғзимга туш“ деган номақбул қарашларнинг вақти аллақачон ўтиб кетди. Бизнинг бугунги ёшларимиз бундай калтабин қарашларни ҳеч қачон қабул қилмайди. Ўзлигини, кимларнинг авлоди эканини англаган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз бутун мутлақо бошқача фикрлайди.

3. Тинч-осойишта ҳаёт, барқарорликнинг энг муҳим шарти ғуки, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томонлама сезгир ва уйғоқ бўлиб, тарихдан, ҳаётдан хулоса чиқариб яшаш керак. Бундай қараш, бундай кайфият шу азиз юртимиздаги барча ватандошларимизнинг ҳаётий мақсадига айланиши лозим.

4. Огоҳ бўлиб яшайдитан одам чётдан келаётган хавф-хатарни олдиндан хуриб, уни бартараф этиши осон кечади. Агарки турли бало-қазолардан ўз зақтида огоҳ бўлмаса, уларга бепарво қараса, кейин уларни йўқ қилиш жуда қийин бўлади. Бу ҳақиқат неча минг йиллик тарихимизда кўп бор исботини топган.

5. Гўзал ва бетакрор диёримизда яшаётган одамлар, биринчи навбатда, сшларимиз „Бу Ватан — меники, агар уни ҳар қандай бало-қазолардан ас-лаш, ҳимоя қилиш учун мен курашмасам, ким курашади?“ деган фикр би-лан

яшаса, мана шўндай кураш униб-ўсиб келаётган болаларимиз учун ҳаётий эътиқодга айланиб, уларнинг қалбидан, онгу тафаккуридан чуқур жой олса, бундай халқни йўлдан қайтариб, енгиб бўлмайди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов бундан 20 йил аввал, яъни 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида, 1999 йилда ЕХҲТнинг Истанбул учрашувида Афғонистонга қурол-яроғ кирилишига қарши халқаро эмбарго эълон қилиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувиغا чек қўйиш зарурлигини таъкидлади. Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди.

“Ҳеч кимга сир эмас – ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар – бу Афғонистонда 30 йилдан зиёд давом этаётган урушдир.

Ана шу ўтган даврда бу жафокаш заминда тинч ҳаёт нима эканини билмайдиган янги бир авлод вояга етди. Уруш бошланган пайтда туғилган болалар 30 – 35 ёшга чиқди. Бу авлоднинг изидан ҳозир яна бир янги авлод оёққа турмоқда. Улар ўз ҳаётида нимага гувоҳ бўлиши мумкин? Фақат уруш, одам ўддириш, қон тўкиш. Бу ёшларнинг ҳаёти пгундан иборат бўлиб қолмаяптими? Ўзингиз ўйланг, шу ҳам ҳаётми ўзи?

Кўпни кўрган афғон халқининг бошига тушган бундай офатни бошқа ҳеч кимга ҳеч қачон кўрсатмасин. Шундан огоҳ бўлиш, шундан хулоса чиқариш зарур”¹.

Президент Ислон Каримов 2010 йил 20 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида саммит қатнашчилари эътиборини Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, зиддиятли муаммолар, умумий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалага,

¹ Ислон Каримов. “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”. Б.

БМТнинг бевосита раҳнамолигида Афғонистон муаммосини ҳал этишга қаратиб ғоят муҳим концептуал хулоса ва таклифларни илгари сурган эди.

Тарихимизга назар ташласак, юртимиз тинч, элимиз хотиржам яшаган даврлардагина юртимиз юксак моддий ва маънавий ютуқларга эришганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган қирқ йил мобайнида мамлакатда тинчлик-барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўҳна заминимиз гуллаб-яшнаган. Шунинг учун ўзбек шеърятининг султони Алишер Навоий Улуғбек тўғрисида қуйидагича ёзган:

Темурбек наслидин султон Улуғбек

Ки, олам кўрмади султон анингдек.

Улуғбек замонидан кейин тожу тахт талашлари, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик авж олган даврларда эса юртимиздан файз-барака кўтарилган, кўҳна Туркистон жаҳон тараққиётидан анча орқада қолиб кетган. Қалбларни маърифат ўрнига жаҳолат ва хурофот эгаллаб, одамлар нафсу ҳавога берилган, амалдорлар Ватан тақдирини эмас, ўзининг тор ва майда манфаатларини ўйлайдиган бўлиб қолган. Оқибатда, мамлакат бўлиниб кетган, пировардида, муқаддас она тупроғимиз босқинчи ғанимлар оёғи остида аёвсиз топталган, халқимиз уларга қарам бўлиб қолган.

Юртимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб тинчлик-тотувликни ўз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб билди. Бугунги кунда Ўзбекистон Президенти ўз саъй-ҳаракатлари туфайли, нафақат ўз ҳудудида, балки бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг тинчлик борасидаги сиёсати, минтақамиз ва жаҳондаги хавф-хатарларга доир қарашлари Президент Ислон Каримовнинг асарларида, айниқса, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида, Юртбошимизнинг БМТнинг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида аниқ ва батафсил баён қилиб берилган.

Ислом Каримов тинчликнинг бугунги ва келажак ҳаётимиз учун аҳамиятини қуйидагича таърифлайди: “Биз – Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қай ерига борманг, одамлар бир-бири билан учрашганда, авваламбор, “Ассалому алайкум!” дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, “Сизга тинчлик ёр бўлсин” деган маънони англатишини яхши биласизлар. “Салом”, яъни “тинчлик” сўзи Қуръони каримда 40 марта учрар экан. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: “Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида “тинчлик” сўзи айтилуру”.

Биз кўпинча, юрт тинчлигини ҳимоялаш деганда қўлида қурол ушлаб, Ватан сарҳадларини қўриқлаётган жангчини тасаввур қиламиз. Аслида, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси – Ватан ҳимоячисидир. Ҳар биримиз Ватанни, унинг шаън-у шарафини, юрт тинчлигини ҳимоя қилишга бурчлимиз. Фидойи, миллатпарвар, садоқатли кишиларнинг ҳар бир иши, сўзи, амали, мақсади Ватан ҳимояси билан бевосита боғлиқ бўлади.

Юрт тинчлиги Ватан озодлиги ва истиқлоли билан чамбарчас боғлиқ. Бировга қарам халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Конституциясида Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун курашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи экани қайд этилган. Халқимизнинг тинч ва осойишта яшаши, ойдин келажаги Ватан, Юрт тақдири билан боғлиқ. Модомики шундай экан, бугунги кунда “Юртим тинч – мен тинч, ўзимни, ўз уйимни ўзим асрамоғим даркор” деган ҳақиқатни чуқур англаш ниҳоятда муҳим.

2.2. Ўзбекистонда тинчликни таъминлашнинг маънавий мезонлари

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиш арафасида социал-иқтисодий ривожланишнинг энг қуйи даражасига тушиб қолган, жуда мураккаб ва портлаш хавфи катта зиддиятлар домига тортилган эди. Фақат халқ учун бирламчи эҳтиёж бўлган озиқ-овқат масаласи эмас, жамиятдаги барқарорлик, юртдаги тинчлик ва тотувлик ҳам муааммо бўлиб турган эди. Мана шундай тарихий бурилиш палласида Ўзбекистонни тинчлик ва

таракқиёт йўлидан дадил олға бошлаш Ислом Каримов зиммасига тушди, Ватаннинг озодлиги, Юртнинг тинчлиги, халқнинг фаровонлигини таъминлашга шу улуғ зот бош-қош бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”¹ асари 2011 йили нашр этилгач, афкор омма ўша даврдаги ўта чигал шароитни, таҳлика ва таҳдидларга тўла вазиятни чуқур хис эта олди. Бу тўпламга киритилган ҳар бир нутқ ва мақола ўзбек халқининг тинчлиги ва болаларининг келажагини ўйлаб ёзилгани шубҳасиз.

Истиқлол арафасида юртимиз тинчлик ва барқарорлик борасида ҳам жуда мураккаб вазиятга тушиб қолган, тўғриси, марказдаги деструктив кучлар ғаламислиги боис беқарорлик, нотинчлик домига тортилган эди. Неча йиллар давомида ҳал этилмаган, халқнинг сабр косасини тўлдирган бундай муаммолар охир-оқибатда ижтимоий ларзага олиб келиши муқаррар эди. Шундай бўлди ҳам. 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июннинг охирига келиб ниҳоятда авж олиб кетди.

Ислом Каримов республика раҳбари сифатида ишга киришган куннинг эртасига –24 июнь куни республика Министрлар Советида катта мажлис ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Бу нутқ ўзининг кескин танқидий ва амалий руҳи билан ажралиб туради, унда Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият сабаблари чуқур таҳлил қилиниб, ҳаққоний хулоса қилинган: **«Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди»**. 25 июнь куни эса Ислом Каримов жанжал-тўполонлар алангаси ичида қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очиқ гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оҳу нолаларини тинглаб, ўзининг юракдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ. 2011.

уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, кўнгилларда сўнган умид учқунларини уйғотади. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради.

Албатта, Ислом Каримов республика раҳбари сифатида Фарғона воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан ўз кабинетида ўтириб ҳам танишиши, керакли қарорларни қабул қилиши мумкин эди. Аммо ўша пайтдаги аксарият партия арбобларига хос бўлган бундай хонанишинлик, кабинетдан чиқмай иш юритиш принципи Ислом Каримов учун мутлақо бегона эди. У ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётий маслағи, олий инсоний бурч деб билади¹.

Агар ўша йиллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, Фарғона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарганлар, шундай қонли фожиа ҳисобидан обрў топиш, ўзининг ғаразли манфаатларига эришишга, халқимизни бадном қилишга уринган кимсалар кўп бўлган. Ислом Каримов бу борада куйиб-ёниб, асл ҳақиқатни катта дард ва жасорат билан баён қилади, фожиа оқибатларини бартараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқади ва изчил амалга оширади. Юртбошимиз Тошкентда ва Москвада бўлиб ўтган катта анжуманларда, шунингдек, матбуотдаги чиқишларида бу масалада қатъий позицияда туриб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди:

«Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. Т. 2013.

душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган»¹.

Ушбу иқтибосларни келтиришдан мақсад – ўзбек халқининг тинчликсеварлиги, ҳар қандай уруш ва низога қатъий қаршилиги унинг асл табиатидан келиб чиқишини таъкидлаш баробаринда, халққа Юртбоши бўлган буюк шахс ҳам, ҳали мустақил бўлмасимиздан бурун тинчлик ва барқарорлик учун кураша бошлаган, унинг бўлажак концепциясига асос сола бошлаганнини қайд этишдир.

Республика раҳбари этиб янги тайинланган Ислом Каримов ўз фаолиятини Фарғонада тинчлик ва осойишталик ўрнатишдан бошлаган бўлса, 1991 йилнинг август ойида машъум ГКЧПнинг юртимизни хавфини бартараф этиш билан давом эттирди².

Истиқлолнинг дебочаси тинчлик ва осудалик билан бошлангандек кўринган бўлса-да, аммо ёвуз ва бузғунчи кучлар ўз ғаразли мақсадларидан воз кечмаган, имкон топган жойда ва вақтда ғаламислик кўзғаш ниятида эди.

Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг бир ой ўтар-ўтмас бу аламзада кучлар очикчасига бош кўтариб, ўзларининг ёвуз мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилишди. Аввалдан пухта тайёрланиб, айти ана шу бузғунчи кучларнинг номидан иш кўрган бир гуруҳ депутатлар 1991 йилнинг 30 сентябрь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида Президент Ислом Каримовга қарши зимдан уюштирилган қабих фитнани амалга ошириш ниятида сиёсий жанжал кўзғашади.

Агар ўша пайтда ҳали янги Конституциямиз ва тегишли қонунларимиз қабул қилинмагани, мустақил давлатимизнинг ҳарбий ва фуқаролик тузилмалари тўла шаклланиб улгурмаганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу фитначилар Ватанимиз истиқлолининг асосий ташаббускори, мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетининг фидойиси ва кафолати бўлган инсонни

¹ Каримов И.А. *Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида*. Б.???

² Бу ҳақда Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарига ёзилган сўзбошида батафсил баён этилган

рахбарликдан четлатиш, унинг қанотини қайириш орқали халқимиз эндигина эришган тинч-осуда, озод ва эркин ҳаётга, фарзандларимизнинг келажагига чанг солишдек разил мақсадни кўзлаганини тушуниш қийин эмас, албатта.

Фақат давлатимиз раҳбарининг қатъий позицияси, оғир-босиқлик билан бутун халқимиз манфаатига мос ҳаётий далиллар, чуқур таҳлиллар асосида депутатларни таги пуч даъватлар, сохта баёнотларга учмасликка, тарих берган ноёб имкониятни кўлдан бой бермасдан, мустақиллик ғояси атрофида жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ишонтира олгани бу масалада ҳал қилувчи роль ўйнади.

Айтиш керакки, қарамликка асосланган мустабид тузумдан янги бир тарихий даврга ўтиш — мустақил давлат барпо этиш йўлидаги оғир синовлар шу билан якун топгани йўқ. 1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ кўпорувчи кучлар вилоят ижроия кўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишди ва республика раҳбари билан учрашув талаб қилишди. Ислом Каримов эртаси куни тонгда Наманганга етиб келди ва ақидапарастлик ғоялари билан онги захарланган, жазавага тушиб, қора кучга айланган жоҳил оломон орасига соқчи ва ҳамроҳларсиз, бир ўзи ҳеч бир иккиланмасдан, шижоат ва шиддат билан кириб борди. Бу ўта кескин, драматик ҳолат вилео тасмасида тасодифан муҳрланиб қолган¹.

Шуни айтиш керакки, Ислом Каримовнинг ана шундай қатъияти ва жасорати бинони бошига кўтариб бақир-чақир қилиб ётган минглаб энг ашаддий экстремистларни ҳам доводиратиб, саросимага солиб кўйди. Мамлакатимиз раҳбари ҳаяжонга берилмасдан, вазминлик билан улар талаб қилаётган йўл қонунга мутлақо зид экани ва ҳеч қачон яхшилиқка олиб келмаслигини уқтирди, ўзининг салобати ва иродаси билан гувиллаб ётган оломоннинг шаштини сўндиришга, беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Сўзбоши. Б. ??

1992 йил 16 январда Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида аламзада, экстремистик кучлар томонидан яна жанжал чиқарилди. Ҳали онгу тафаккури шаклланиб улгурмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган талаба ёшлардан фойдаланиб, бир гуруҳ манфаатпараст, амалпараст кимсалар юртимиздаги вазиятни издан чиқаришга ва шу тариқа дунё ҳамжамиятидан ўз ўрнини топишга интилаётган ёш Ўзбекистоннинг обрўсига путур етказишга, уни ўз танлаган йўлидан қайтаришга уринишди.

Ана шу ва шу каби бошқа қалтис вазиятларда Президентнинг халқ иродасига, қонунларга таянган ҳолда олиб борган вазмин сиёсати, ўз вақтида қатъият билан кўрган чора-тадбирлари туфайли бундай хавф-хатарлар бартараф этилди, озодлик, ҳуррият сақлаб қолинди. Айни пайтда, истиқлол арафасида ҳам, унинг дастлабки даврида ҳам жамиятдаги тинчлик ва тотувликни, ижтимоий барқарорлик ва муттасил ўқишни таъминлаш ўта мураккаб, оғир ва машаққатли бўлди.

Шундай қилиб, юксак маънавият, сиёсий маданият, доимий огоҳлик ва ҳушёрлик, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги – юрт тинчлигини сақлашнинг энг муҳим омилидир. Халқимиз учун муқаддас бу ғоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиради, шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди.

Ҳамма замонларда одамлар тинч-тотув ва фаровон ҳаётга интилганлар. Ана шу сабабдан ҳам миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири халқ фаровонлигидир. У жамиятнинг тарихий тараққиётида доимий диққат марказида туриб келган масалалар қаторига киради. Халқ фаровонлиги – Ватан ободлигини, унда яшайдиган кишилар ҳаёти учун моддий-маънавий бойликларнинг мўл-кўллигини, одамларнинг муносиб турмуш шароитига эга бўлишини англатади. Бинобарин, халқ фаровонлиги ижтимоий барқарорликнинг энг дастлабки зарур шартидир.

Халқ фаровонлиги ғояси қуйидаги қоидага асосланади: ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ҳамда қудратли бўлади. Ҳақиқатга таянган бугунги иқтисодий ислохотларимиз яқин келажакда,

албатта, янада кўпроқ натижалар беради. Меҳнаткаш ва миришкор халқимиз ўз турмушини ўз қўли билан фаровон қила олиши шак-шубҳасиздир.

Одамлар ўртасидаги нифоқ, келишмовчилик ва душманлик ҳеч бир замонда, ҳеч бир жамиятга яхшилик келтирмаган. Мана шу ҳаёт ҳақиқатидан хулоса чиқариб, халқимиз ўзаро тотувлик, аҳилликни кадрловчи мақоллар, ҳикматлар яратган. “Бўлингани бўри ер”, “Олтовлон ола бўлса – оғзидагини олдираар”, “Тўртовлон тугал бўлса – тепадагини ундираар” каби ҳикматлар жуда кўп.

Ижтимоий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ғояси шу боисдан қадимий илдизларга эга. Бундай ғоя ҳукмрон бўлган жамиятда тинчлик ва тотувлик, мустаҳкам, барқарор тараққиёт бўлади.

Ижтимоий ҳамкорлик – хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигидир.

Шўролар даврида якка ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура синфийлик ва партиявийлик шиори остида оламни фақат оқ-қора бўёқларда тасвирлади, миллатлар ва халқларни бўлиб ташлади. Бунинг сабаби шундаки, шўролар мафкурасида синфий манфаатлар умуминсоний ғоялардан устун қўйилган эди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, бундай иллатларга барҳам берилди. Яъни жамиятдаги кучларни бир-бирига душман қиладиган, одамларни тўғри йўлдан чалғитадиган ишларга чек қўйилди. Президентимиз таъкидлагани каби, биз “Бу – партократ, бу – коммунист, бу – диндор, бу эса – даҳрий” деб одамларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш йўлидан бормадик. Аксинча, барча муаммоларни фақат ҳамжиҳат бўлиб бартараф эта олиш мумкинлигини тўғри тушундик.

Бироқ ижтимоий ҳамкорлик дегани жамиятдаги кишилар, партиялар, тоифалар фақат бир андоза асосида яшасин ёки бир хил фикр юритсин, дегани эмас. Аслида, ҳар бир кишининг қарашлари, партия ёки ижтимоий кучнинг дунёқарши, манфаатлари турлича бўлади ва улар бир-биридан фарк

қилади. Лекин буларнинг ҳаракатини бир мақсадга етаклайдиган умумий йўналиш – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби асосий ғояларни амалга ошириш учун уюшиш, яқдил бўлиш, ҳамжиҳат яшашга эришиш ниҳоятда муҳим.

Бу қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

Биринчидан, жамиятнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган илғор ғоялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади.

Иккинчидан, жамиятдаги ҳар бир ижтимоий тоифа ёки гуруҳ ўзининг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини ана шу устувор миллий ғоялар билан уйғунлаштириши миллий тараққиётнинг заруратига айланади.

Учинчидан, ҳар бир шахс, ижтимоий мавқеи, дунёқараши ва эътиқодидан қатъи назар, устувор миллий ғояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билади.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳамкорликни миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, уни мустаҳкамлаш барча фуқароларга, биринчи галда, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда жамиятнинг илғор вакиллари бўлган зиёлилар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис, барча Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий ҳамкорлик муҳитига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоғи даркор. Чунки, шу азиз Ватан – барчамизники, унинг ютуқ ва камчиликлари, ташвишлари ва муваффақиятлари ҳаммамизга тегишлидир.

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқларнинг бир ҳудудий бирликда, тинч-тотувликда истиқомат қилишини англади, ушбу минтақа ва давлатларнинг тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликни кафолатлайди.

Бугунги кунда Ер юзида 6 миллиарддан зиёд одам яшайди. Ўзбекистон худудида эса 30 миллиондан ортиқ киши, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда.

Ҳар бир миллат – оламнинг мўжизасидир. Давлатлар кўпмиллатли (полиэтник) ва бир миллатли (моноэтник) таркибга эга. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Чунки, миллатларнинг умумий манфаатлари билан бирга, ўзига хос қадриятлари, анъана ва урф-одатлари ҳам бор. Умумий ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг юзага чиқариш, улар ривожини таъминлаш жуда масъулиятли масала. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, қуйидагича таъкидлаган: “Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи камсонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир”.

Неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бермоқдаки, олийжаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш – халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга авайлаб ўтказиб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик ғояси илгари сурилгани ва амалда унга эришилгани Ўзбекистон ривожига қўлга киритилган энг катта ютуқлардан биридир. Мамлакатимиз раҳбарияти

миллий масалани оқилона, халқаро тамойилларга мос ҳолда ечиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш чора-тадбирларини кўриб чиқди. Юртимизнинг кўпмиллатли халқи онгида “Ўзбекистон – ягона Ватан!” деган ғоя асосида ҳақиқий ватандошлик туйғуси шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида: “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, деб аниқ белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, Конституциямизда “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” деб таъкидланган.

Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1992 йилда миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ташкил этилгани бунга мисол бўлади. Ўшанда 12 та миллий маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун 110 дан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани ҳамда шунга ўхшаш бошқа бир қатор тадбирлар бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Миллатлараро тотувлик ғоясини амалга оширишга ғов бўладиган энг хатарли тўсиқ – тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай иллат, зарарли ғоя тузоғига тушиб қолган жамият табиий равишда ҳалокатга юз тутади. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Биргина фашизм ғояси XX асрда инсоният бошига аввалги барча асрлардагидан кўра кўпроқ кулфат, офат-балолар ёғдириб, охир-оқибатда ўзи ҳам ҳалокатга учради. Лекин ҳанузгача фашизм, болшевизм, шовинизм, ирқчилик ғояларини тирилтириб, миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлик ғоясига қарши тажовуз қилишга уринаётган кучлар борлиги барчамизни хушёр торттириши лозим.

Хуллас, ҳамкорлик, тотувлик ғояларига таяниб, ҳамжихат бўлиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигидек олийжаноб мақсадларга эришиш мумкин.

Динлараро бағрикенглик ғояси – хилма-хил диний эътиқоддаги ёки муайян динга эътиқод қилмайдиган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашини англатади.

Дин – олам, одам ва бошқа мавжудотларнинг яралиши ва келиб чиқиши, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади каби масалаларга илоҳий нуқтайи назардан ёндошувчи дунёқараш шаклидир. У бугунги кунда ҳам шу вазифани адо этиб келмоқда. Дин диний дунёқарашни, диний маросимларни, шунингдек, диний туйғуни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ каби) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган. Қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ифода этиб келган. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг шарофатидандир. Президент Ислам Каримов сўзлари билан ифодалаганда, “дин бизнинг қон-қонимизга, онг-у шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди”.

Дунёдаги динларнинг барчаси езгулик ғояларига асосланади ва одамзодни яхшилик, тинчлик, дўстликка даъват этиб келади. Жаҳондаги барча йирик динлар инсоннинг яшашдан асл мақсади бу дунёда хайрли, савобли ишлар қилиб, охираат саодатига сазовор бўлиш, деган ғояни тарғиб

этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш масаласи ўз аксини топган. Шу боис ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшлар, аввало, динлар тарихини, уларнинг асл моҳиятини чуқур билиши лозим. Шундагина уларни ғаразли мақсадларни кўзлаб юрган кучлар йўлдан чалғитолмайди.

Ватанамиз ҳудудида ислом дини қарор топганига қадар зардуштийлик, буддавийлик, христианлик каби динлар мавжуд бўлган. Улар негизида бетакрор маданият вужудга келган. Зардуштийлик таълимоти бўйича, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги доимий курашда оралиқ йўл йўқ, шунинг учун ҳар бир одам бу курашнинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур. Бу диннинг уч таянчи бўлиб, улар ниятнинг эзгулиги, фикрнинг поклиги, амалларнинг бунёдкорлигидан иборат. Бу жиҳатлар зардуштийликда “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш” тарзида ифодаланган.

Қадимги Хитойнинг миллий дини – конфуцийлик таълимотига кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи билан эмас, балки одамийлик, адолатпарварлик, ҳақиқатпарварлик, самимият каби юксак фазилатлар воситасида юксак камолотга эришиши мумкин. Ҳиндистонда кенг тарқалган ҳиндуийлик фалсафасига кўра, инсон ўз ҳаётида нимаики ёмонлик қилса, оқибатсиз қолмайди, бунинг учун албатта жазо олади. “Беш кўл баробар эмас” мақолида ифодаланган ҳақиқат, яъни ижтимоий табақаланиш фалсафаси ҳам бу динда ўз ифодасини топган.

Ҳозирги замонда динлараро бағрикенглик ғояси нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутуди ҳамда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этилмоқда. Қурилаётган жамиятнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланади. Давлат қонуний асосда барча динларга, барча эътиқод эгаларига тенг имкониятлар яратиб

берган. Диний ташкилотлар билан муносабатларнинг қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш негизида олиб борилаётгани эътиқод эркинлигини амалда таъминламоқда. Айни вақтда диний ташкилотлардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу – халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган тўғри йўлдир.

Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий кадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўндан зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзусини амалга ошириш учун мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, халқни олийжаноб мақсадлар сари бошлашда муҳим ўрин тутади.

Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги давридаги бош вазифа тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақилликни янада мустаҳкамлашдир. Жамият ҳаётинининг барқарор бўлишида юрт тинчлиги, миллатлар ва элатлар орасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий ҳамкорлик асосий ўринни эгаллайди.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик тушунчаларини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мустақилик йилларида олиб бораётган оцилона сиёсати тўғрисида амалга ошаётганини қайд қилишимиз зарур.

Мамлакатимизда тинчликни барқарорлаштириш, олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, тарбиявий ишларни юқори босқичга кўтариш борасида эришилган муваффақиятлар Ватан равнақини таъминлайди. Равнақ топаётган мамлакат фуқароларининг ҳаётигина фаровон бўлиши мумкин. Фаровон ҳаёт эса ҳар бир шахснинг ва умуман, бутун жамият аъзоларининг жисмоний ва интеллектуал камолини таъминлайди.

III БОБ. ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАФКУРАВИЙ АСОСЛАРИ

3.1. Мафкуравий таҳдид – тинчлик ва миллий хавфсизликка таҳдид

XX асрнинг сўнггида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серқирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақамизда рўй бераётган ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида жаҳон, Марказий Осиё минтақаси ва республикамизда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий, маҳаллий можаролар, диний экстеремизм ва жангари сепаратизм таҳдид солмоқда. Бундай қарама–қаршилиқларда четдаги айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун олиб бораётган ҳаракатлари ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири минтақа ўзининг жўғрофий – сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган ҳудудда жойлашганлиги билан боғлиқ.

Яқин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисмимиз. Бизнинг ҳудудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи – Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстеремизм, этник

мурасасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош.

Президент Ислом Каримов “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласида Афғонистон масаласига алоҳида тўхталди. “Ҳеч кимга сир эмас — ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар — бу Афғонистонда 30 йилдан зиёд давом этаётган урушдир.

Ана шу ўтган даврда бу жафокаш заминда тинч ҳаёт нима эканини билмайдиган янги бир авлод вояга етди. Уруш бошланган пайтда туғилган болалар 30—35 ёшга чиқди. Бу авлоднинг изидан ҳозир яна бир янги авлод оёққа турмоқда. Улар ўз ҳаётида нимага гувоҳ бўлиши мумкин? Фақат уруш, одам ўддириш, қон тўкиш. Бу ёшларнинг ҳаёти пгундан иборат бўлиб қолмаяпти-ми? Ўзингиз ўйланг, шу ҳам ҳаётми ўзи?

Кўпни кўрган афғон халқининг бошига тушган бундай офатни бошқа ҳеч кимга ҳеч қачон кўрсатмасин. Шундан огоҳ бўлиш, шундан хулоса чиқариш зарур”¹.

Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қуро-л-яроғ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда. Айрим қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошқора интилаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасини ядровий қуро-л-лардан холи ҳудуд деб эълон қилинишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Хуллас, Марказий Осиёда хавфсизликка солинаётган сиёсий, мафкуравий, маънавий таҳдидлар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизм, миллатчилик ва миллий маҳдудлик, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, экология муаммолари заминида шаклланмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. Б.33.

Мазкур минтақанинг мафкуравий манзарасини таҳлил этиш учун умуман дунёнинг мафкуравий манзарасига қисқача тўхталиш, умумий тенденция ва қонуниятларни кўздан кечириш мақсадга мувофиқ.

Дунёнинг мафкуравий манзараси деганда, жамият тараққиёти қонунлари, унинг ривожланиш тенденцияларини муайян ижтимоий гуруҳ, этник бирликлар, сиёсий кучларнинг ўзига хос манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилиш ва унга асосланган ҳолда инсоният истиқболини белгилашга қаратилган мафкуравий тизимлар мажмуи тушунилади.

Икки қутбли дунё барҳам топиб, социалистик ва буржуа мафкуралари ўртасидаги кураш тўхтаган ҳозирги даврда дунёнинг янги мафкуравий манзараси қарор топиб бормоқда. Бугунги кунда аксарият давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, ижтимоий, сиёсий, этник, конфессионал тотувлик ва бағрикенглик ғоялари устувордир.

Айни пайтда, глобал характерга эга ғоявий қарашлар дунёнинг мафкуравий манзараси мазмунини белгилаб беришда устуворликка интилаяпти. Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида **“турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда, - деб ёзади Президентимиз. - Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда”¹.**

Инсон онги ва қалби учун кураш янги сифатий хусусият касб этган бир даврда, эътиқод умумийлигига асосланиш (масалан, панисломизм), этник бирликка урғу бериш (масалан, панславизм, пантуркизм, панэронизм) ва

¹ Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»

ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқликни рўқач қилиш асосида (масалан, пансоветизм) якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар кузатилмоқда.

Инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирувчи мафкура шаклларида бири **шовинизм** ҳамда унинг хавфли кўриниши бўлган **буюк давлатчилик шовинизми**дир. Шовинизм миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиётидир.

И.А.Каримов ўринли таъкидлаганларидек, буюк давлатчилик шовинизмини **“муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.**

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий - сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади”¹. Бир сўз билан айтганда, буюк давлатчилик шовинизми ғайриилмий ва ғайриинсоний характерга эга. У ўз моҳиятига кўра миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб - ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир. И.А.Каримов таъкидлаганидек, шовинизмнинг салбий оқибатлари фақат шу билангина чегараланмайди, у ҳамisha **«...авторитар тузумлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб боради. Чунки, бўйсундирилган ва қарам халқларнигина эмас, балки бир қисми муқаррар равишда бундай сиёсий йўлга қарши чиқадиган ўз аҳолисини ҳам бошқача шароитда итоаткорликда сақлаб туриш мумкин бўлмайди».** Охир оқибатда давлат

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.

ички зиддиятлар бўҳронига дучор бўлиб, ҳалокатга юз тутди. Бир сўз билан айтганда, ўзгаларни қарам қилган халқлар, давлатларнинг ўзлари ҳам ҳеч қачон озод ва эркин бўлолмайди. Бироқ бу тажрибадан дунёдаги айрим сиёсий доиралар ва кучлар ҳали ҳам етарли сабоқ чиқара олмаганини жаҳоннинг айрим ҳудудларидаги воқеалар кўрсатиб турибди.

Ақидапарастлик: моҳият ва шакллар. Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда яқка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. Масалан, ислом динини қурол қилиб олган ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларнинг ягона халифалик остида, содда қилиб айтганда, диний асосда сиёсий бирлашуви ғоясини илгари сурадилар. Улар ўз қарашларини аксарият ҳолларда диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлиги, улар салоҳиятининг бирлашиши тараққиётга йўл очади деган “беозор” шаклда тақдим этишга ҳаракат қиладилар.

Аммо жиддий эътибор бериладиган бўлса, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ёки уни йўқотиш ҳисобига ягона ислом давлати тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади. Шу билан бирга, мусулмон халифалигини тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар. Бу ғояни сингдириш йўлидаги ҳаракатларда эса бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида урғу берадилар. Бундай кучлар шу йўл билан ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиладилар.

Ақидапарастлик халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан ҳам боғлашини таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли экани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига, баъзан “цивилизациялар тўқнашуви” деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда дунёда диний - экстремистик характердаги секта ва ҳаракатлар, уларнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилмоқда. Хусусан, оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, биргина Россиянинг ўзида “Богородичий центр”, “Церковь объединения”, “Церковь Иисуса”, “Церковь Нового Завета”, “Белое братство”, “Божественный орден Первого Ангела” каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай секталарнинг барчаси инсоннинг ожизлиги, маънавий ва жисмоний камолотга эришишга бўлган интилиши, кишилар ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида, шахсий бойлик орттириш ниятида фойдаланадилар.

Дунёнинг мафкуравий манзарасида этник заминда шаклланган ғоявий қарашларнинг ўрни. Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири Марказий Осиёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда. Пантуркизм, панэронизм, панамериканизм каби ғоялар шулар жумласидандир.

Лисоний (тил) яқинлик асосида халқларни бирлаштиришни тарғиб қилувчи бошқа кўринишдаги ғоявий қарашлар тизимининг келиб чиқиши

хам жаҳон сахнида юзага келган кескин ўзгаришлар билан боғлиқ. Хусусан, барча туркий халқлар ягона давлат остида бирлаштирилиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни ҳам айрим туркий халқлар ўртасида кейинги икки аср чегарасида содир бўлган маънавий уйғонишнинг ўзига хос натижаси, деб баҳолаш мумкин. У XIX аср охири ва XX аср бошларида давлатлар ўртасида юзага кела бошлаган иттифоқлар олдида ожиз қолмаслик, туркий халқларнинг ўзлигини йўқотишига йўл қўймасликка интилишнинг ғоявий ифодаси сифатида шаклланди.

Туркий халқларнинг лисоний бирлиги ҳақидаги ғоя объектив ҳақиқат. Аммо туркий халқлар тарихан турли ижтимоий-сиёсий, ва иқтисодий муносабатлар доирасида ҳаёт кечирганлар. Бу ҳол улар ҳаётида бир-биридан кескин фарқ қилувчи жиҳатлар ва хусусиятларни келтириб чиқарган. Шунингдек, диннинг турли халқлар маънавияти, маданияти ва руҳияти ривожига роли катта эканини, туркий халқлар ичида мусулмонлар, насронийлар, буддавийлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, лисоний birlikни мутлақлаштириш ўринсизлигини англаб етиш мумкин.

Айни пайтда, бу ғоя моҳиятан ягона давлатга уюшиш, тўғрироғи, муайян давлат раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида барча туркий халқларнинг бирлашувини асосий мақсад сифатида белгилайди. Бундай ёндашув охири-оқибатда, бир томондан, туркий халқлар ичидаги бирор бир халқнинг гегемонлигини асослаш, иккинчи томондан, муайян халқларнинг миллий суверенитетини тан олмаслик, рад этишни келтириб чиқаради.

Президент Ислом Каримов “Туркистон” ахборот агентлигига 1999 йил берган интервьюда¹ “барча туркий халқлар – ягона миллат” деган ғоянинг хавфи, зарари тўғрисида гапирган, бунинг ҳаммаси ўзбек, қозоқ, уйғур, озор қаби юзлаб халқларни ўз тарихи. Маданияти ва маънавиятидан жудо қилишга қаратилган таҳдид эканини кўрсатиб берган эди.

Ирқчилик мафкураси, унинг қайтадан жонланишини келтириб чиқараётган омиллар. Юқоридаги мафкура шакллари билан бир қаторда

¹ Қаранг: Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз”.

юзакни қараганда тарих сахнидан тушиб кетгандай туюлган, ғайриинсоний моҳиятга эга бўлган неофашизм ва ирқчиликдек мафкуралар ҳам янгидан бош кўтара бошлаганини таъкидлаш зарур.

Жаҳоннинг турли нуқталаридан ривожланган мамлакатларга кўчиб келишнинг кучайиб бориши бу давлатларнинг туб аҳолиси, айниқса, ёшлари орасида ирқчилик ғояларининг янгидан ёйилишини келтириб чиқармоқда. Марказий Осиё мамлакатларидан Россия ва бошқа юртларга миграция қилган ишчилар – “гастерарбайт”лар “skin-head” (скин-хед) деб аталмиш миллатчилардан озор чекмоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, Ер юзининг турли нуқталарида диний экстремистик ташкилотлар томонидан кўпуровчилик ҳаракатлари давом эттириляётгани ҳам ксенофобияни, яъни бегоналар, бошқа дин ва миллат вакиллари, айниқса, мусулмонлардан кўрқиш, нафратланишни кучайтирмоқда. Профессор А.Очилдиев ёзганидек, “бундай хавф реаллигини куйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. «Евробарометр» маълумотларига кўра, швецияликларнинг 18, италияликларнинг 30, нидерландияликларнинг 31, британияликларнинг 32, французларнинг 48 фоизи бошқа дин ва маданият вакилларини бутунлай ёқтирмасликларини таъкидлайдилар. Маълумотларга кўра, бугунги кунда Шарқий Германия (собик ГДР) ҳудудида яшаётган ҳар 2 ёшнинг бири, ғарбий немис ёшларининг эса 35 фоизи нацизм ўзининг ижобий томонларига эга эди, деб ҳисоблайди. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, Шарқий германияликларнинг 46 фоизи, ғарбий германияликларнинг 40 фоизи Германияда чет элликлар ҳаддан ташқари кўп деб ҳисоблаши ҳам бундай ғоялар тарқалиши учун етарли замин мавжудлигини англатади¹.

Испанлар эса, ўзларини қийновчи муаммолар ичида ишсизлик ва терроризмдан кейин учинчи ўринда айнан иммигрантларнинг кўпайиб бораётганини қайд этишлари бундай қарашларнинг Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам илдиз отиб бораётганини кўрсатади. Умуман олганда,

¹ Абдувоҳид Очилдиев. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. Б.62.

мутахассислар фикрича, Европа Иттифокига кирувчи давлатлар аҳолисининг учдан бири ўзини у ёки бу даражада ирқчи деб ҳисоблайди.

Фактлар бундай жараёнлар Россияда ҳам жонланиб бораётганини кўрсатмоқда. Россия пойтахтида «Белые бульдоги» и «Лефортовский фронт» гуруҳларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган «Объединенные бригады 88» шунингдек, «Русский кулак» деб номланган ташкилотларнинг фаолияти бунга мисол бўла олади.

Мазкур мисолларнинг ўзи ҳам ирқчилик ва унинг замирида юзада келаётган ксенофобия, зўравонликнинг хавфи нақадар кенгайиб бораётганини яна бир бор исботлайди.

3.2. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари

Бугун кечанинг, эрта бугуннинг давоми бўлганидек яқин истиқболда дунёнинг мафкуравий манзараси қандай бўлишини ҳозирги кунда жаҳон мафкура саҳнида кечаётган айрим жараёнларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, баъзи ҳолларда юқорида қайд этилган вайронкор мафкураларнинг ўзига хос омухталашуви кузатилмоқда. Бу, бир томондан, миллатчилик ва ирқчилик, бошқа томондан, ашаддий миллатчиликнинг диний ақидапарастлик билан қўшилиб кетаётганида яққол кўринмоқда. Бунинг оқибати ўлароқ омухталашган ғоявий қарашлар билан қуролланган кучлар ўз мақсадлари йўлида кўплаб фожиаларни келтириб чиқараётган террорчилик ҳаракатларини содир этмоқдалар. Натижада миллий озодлик ва диний қадриятлар тушунчасининг ўзи обрўсизлантирилмоқда, жаҳон афкор оммасида салбий стереотип ва қарашларнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Диний-экстремизм ва террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун уларнинг моддий-молиявий ва ташкилий асосларига барҳам беришнинг ўзи етарли эмас. Чунки, ғоявий кураш, диний экстремизмнинг мафкуравий асосларини енгиш тобора муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Буни бугунги кунда дунёнинг етакчи давлатлари мутахассислари, сиёсатчилари ва давлат раҳбарлари ҳам эътироф этмоқда.

Шундай экан, инсониятнинг ягона бирлик сифатида ривож топишини ғоявий жиҳатдан асослаш кишилиқ жамияти тараққиётини таъминлашнинг асосий йўли бўлиб қолаверади.

Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»¹ асари Марказий Осиёдаги мафкуравий жараёнларни таҳлил қилишда энг муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда Ислон Каримов хавфсизликка таҳдидлар, уларнинг умумбашарий ва минтақавий хусусиятларини кўрсатиб берган эди. Асар 1997 йили нашр этилган, ўнлаб тилларга таржима қилинган, Юртбошимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кескин оширган эди. Орадан шунча йиллар ўтса-да, аммо ана шу таҳдидлар орасида минтақавий жиҳатнинг аҳамияти пасаймади, Йиллар ўтса ҳам Афғонистон муаммоси ўз ечимини топгани йўқ.

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — айна мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Бу фикримизга кўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда. Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминида тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва кўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча

¹ Ислон Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»

кон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочоқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-харакатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Афғонистон заминидаги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок “қўшнинг тинч — сен тинч”, деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни, 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди; 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун “6 + 2” мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтди.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош қотибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди;

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги оетида “6 + 3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана пгундай муҳим хужжатлар каторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим;

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана пгу интервьюси инглиз тилида ҳам чоп этилди, бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта кизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.

Президент Ислам Каримов афғон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Айни шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони найдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз “тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий

блокларда иштирок этмайди”, деб аниқ-равшан баён қилинган. Ўзбекистон кўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишнинг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шуниингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди”, дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади”.

Бундай қатъий, шу билан бирга, узокни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсат-ни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин кўшнисини бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу Афғонистон билан узок тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши кўшничилик, ўзаро ҳурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.

Айнан мана шу омиллар сабаб, “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ХХ асрнинг охирида дунёда жаҳоншумул воқеалар рўй берди. Унинг сиёсий харитаси, жумладан, Марказий Осиёнинг

манзараси тубдан ўзгариб кетди. Собиқ СССРнинг парчаланиши, унинг ҳукмрон мафкурасининг барбод бўлиши ва Марказий Осиёдаги республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтақамизда нафақат янги ижтимоий-сиёсий, айти пайтда янги мафкуравий вазиятни ҳам вужудга келтирди. Ушбу вазиятнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафкура, минтақа халқлари азалдан қон-қардош бўлишларига қарамасдан, уларни зўрма-зўраки «бирлаштириб» турган эди. У минтақа халқлари онгига зўравонлик билан «СССР – ягона Ватан» ва совет халқи - янги тарихий «бирлик» – деган тушунчаларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтақа халқлари бундан қанчалик норози бўлмасин, ўзларининг тарихий ва маънавий яқинлигига интилмасин, аммо бу интилишларга нисбатан мафкуравий тазйиқ бениҳоя кучли эди.

Минтақадаги собиқ иттифоқдош республикалар ўзларининг мустақиллигини қўлга киритиши билан бу мафкура барбод бўлди. Уларнинг ҳар бири олдида ўзларининг ички ҳаёти ва истиқлолини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш ва ўзлари учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараённинг минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириб туришга хизмат қиладиган маънавий-мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиши табиийдир.

Иккинчидан, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлишига қарамасдан, 1991 йилгача собиқ марказ ҳали ўз ҳукмронлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам у минтақа мамлакатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёсатни давом эттирди. Бу ўз навбатида, ўша даврда, маълум даражада, минтақа халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўрсатди.

Учинчидан, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа бир қатор

мамлакатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юбордилар. Уларнинг кўпчилиги ташқаридан беғараз ёрдам кўрсатаётгандай бўлиб кўринсаларда, аслида ҳар бир кўрсатаётган «ёрдамлари» эвазига минтақада ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Аслида бундай ҳаракатларнинг бўлиши табиий ҳолдек кўринади. Аммо, уларда ҳам минтақа давлатлари ва халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилишлар йўқ эмас. Демак, ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг мустақиллик шароитида юзага келган муаммоларни ўзаро яқдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиладиган умумий омилнинг юзага келишига ўзининг таъсирини ўтказди.

Тўртинчидан, минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий муҳитни шакллантириш эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлагани каби: «СССР парчаланиб кетгандан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида – Афғонистон ва Тожикистонда сўнги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди¹.

Афғонистонда уруш алангаси ўчмагани фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки бутун минтақадаги барча мамлакатлар учун ҳам катта хавф-хатарни вужудга келтирди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом-ашё ресурсларга бойлиги, ишчи кучи ва демократик имкониятлари, кўп жиҳатдан геополитик жойлашувига кўра ҳам, минтақада етакчи ўринда турганлиги билан ажралиб туради. Бинобарин Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қилади. Шу маънода ҳам турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар Афғонистондаги уруш оловини кучайтириш ва минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда минтақа

¹ Ислом Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., 1997, 20-21-бетлар.

давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўллари ва услубларини ишга солмоқда.

Аслида бу уринишларга минтақа мамлакатлари ва халқлари ўртасида мавжуд бўлган азалий дўстликка путур етказишга қаратилган мафкуравий ҳаракатлар деб баҳо бериш мумкин.

3.3. Мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда таълим-тарбиянинг аҳамияти

Президент Ислом Каримов минтақадаги мафкуравий вазият, минтақавий можаролар, уларнинг давлатимиз учун сиёсий-ҳарбий ҳамда ғоявий-маънавий зарари тўғрисидаги фундаментал фикрларни баён этган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жихатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё воқелиги шундан далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳеч бир можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами-кечми кўшни давлатлар олдида барча салбий оқибатлари билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Ҳатто минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасига бориб етади. Шу нуқтаи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ошкора тарзда байналмилаллашуви тангликни чуқурлаштиради. Чунки турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик мавжуд бўлган ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради¹.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари қадам ташлаётган ҳозирги шароитда ҳам жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафкуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш ҳаракатларидан тўхтагани йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шакллари қўлламоқдалар. Жумладан, Марказий

¹ Ислом Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., 1997, 26-бет.

Осиё мамлакатларининг ўзаро иқтисодий интеграциялашув жараёнига тўскинлик қилиш, уларда ўзаро бир-бирларидан норозилик кайфиятини ўйғотиш каби мафкуравий таъсир ўтказиш ҳолатлари содир бўлаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Бу мақсадда минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда. Айниқса, Марказий Осиё халқларининг дунёқараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий «сабоқ» бериш, исломни қайта тиклаш байроғи остида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган кўпуровчилик ҳаракатлари кучайди.

Маълумки, «фундаментализм», «экстремизм», «терроризм», каби тушунчалар жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар ҳамда улар асосидаги ҳаракатларни ифодалайди. Қандайдир бир йўналишни бузиб талқин этган ҳолда сиёсий мақсад қўювчи ҳаракат экстремизмга олиб келади. Экстремизм қандай номланган ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборат. Худди шундай «фундаментализм», «терроризм» каби сўзлар ҳам том маънода ҳокимият ёки бирор бир ғаразли мақсадлар учун курашувчи ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва оқимларга тегишлидир. Масалан, «фундаментализм» атамаси аслида, христиан дини билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Унинг биринчи бор расмий қўлланиши 1908 йили АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси»га (The Conference on Cristian Fundamentalism) тегишли бўлиб, қуйидагича асосий 5 ақидани ифодалайди:

- Иисуснинг бокира аёлдан дунёга келгани;
- унинг инсоният гуноҳларини оқлаш учун қурбон бўлгани;

- жисман қайта тирилиши;
- ер юзига жисмонан иккинчи бор келиши;
- китобнинг муқаддаслиги ва уни дастлабки соф ҳолига қайтариш.

Диний экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради: уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан аввалги) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга «асос» бўлиб хизмат қилади; улар гўё фақат «ҳақиқий» мусулмонлар, яъни уларнинг ўзлари ҳокимиятга келгач барпо бўлажак «исломий тартибни» ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Аслида «фундаментализм» ва «экстремизм» ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад - диннинг қадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат эса ҳокимиятни қўлга киритишдир. Бу уринишларда тузатиб бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган, тарих саҳифасида қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига ҳам зўр берилмоқда. Ана шу йўлда ислом фундаментализми вакиллари, ҳатто диний эътиқод даражасида, инсон қалби маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлган миллий ўзига хосликни «қурбон» қилиш ғоясидан ҳам тоймаяптилар.

Айнан ана шу хатти ҳаракатлар бугунги кунда ўз обрўсидан бутунлай маҳрум бўлган марксизм-ленинизм таълимотини эслатиб туради. Масалан, Россияда марксистларнинг энг жангари оқими-большевиклар, миллати ва ирқидан қатъий назар, дунёда яшаётган барча халқларни бирлаштириш ғояларини илгари суриб, террор йўли билан ҳокимиятни қўлга киритган эдилар. Уларнинг асосий фожеаларидан бири ҳам миллий омилнинг ва тадрижийликнинг аҳамиятини тан олмаганларида эди. Шунинг учун ҳам улар тарихда зўравон экстремистик ғоялар соҳиби сифатида ном қолдирдилар.

Бугун диний экстремизм ва фундаментализм томонидан Марказий Осиёда олиб борилаётган қўпуровчилик ва террористик ҳаракатлар ҳам ана шундай мақсад, йўл ва услубларга таянмоқда.

Диний экстремизм ва фундаментализмининг минтақамиз, хусусан мамлакатимиз тараққиётига хавф туғдираётганлигини Президентимиз теран англаб, бу қандай дахшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан ҳаммамизни огоҳ қилган эди. Тошкентда февраль фожеалари содир этилмасдан икки йил олдин Президент И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал асарида шундай ёзган эди:

«Кўплаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган «Ислом уйғониш», «қайта исломланиш», «ислом феномени» ва бошқа турли-туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозарага киришмаган ҳолда, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом кадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутбли эканлигига қаратмоқчиман. Шу билан бирга аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётганлиги баъзан эса, ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон шароитида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назардан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда»¹.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 34-бет.

Бу фикр ҳақиқат бўлиб чиқди. Экстремистлар 1999 йилнинг 16 февralида ўзларининг қора ниятларига эришиш мақсадида Тошкентда кўпоровчиликни амалга оширдилар. Бу кўпоровчилик ҳаракатлари орқасида катта кучлар борлиги аён. Уларнинг мақсади, – Президентимиз таъкидлаганидек, – халқимизнинг тинчлигини бузиш, кўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончни сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларга зарба беришдан иборат.

Хўш, нима учун бу фожеалар Ўзбекистонда содир этилди, унинг Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга таъсири бўлиши мумкинми? Унинг Тошкентда содир этилишига асосий сабаб шуки, юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг ютуқлари жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Нисбатан қисқа давр ичида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятлар устувор бўлган, маънавий меросни ва диний қадриятларни тиклаб, инсон ҳуқуқларини устувор соҳа даражасига кўтара олган мамлакатдир. Халқининг Президентга, давлатга ишончи ниҳоятда мустаҳкам бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашуви жараёнида етакчилик қилмоқда. Худди мана шу ўта катта аҳамиятга эга бўлган омиллар, асосланган истиқболдаги ютуқлар халқимиз ва малакатимиз тараққиётининг душманларини ваҳимага солмоқда.

Агар Ўзбекистонда душманларимиз мўлжаллаган мақсадлар амалга ошса, бу нафақат бизда, балки бутун минтақа давлатларида ҳам жуда катта сиёсий ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши, минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг улкан салбий таъсирини ўтказиши мумкин эди. Террористларнинг амалга оширган кўпоровчилик ҳаракатлари кўзлаган мақсадига етмади ва етолмайди ҳам.

Ўзларини ислом динининг «ҳимоячилари» деб кўрсатишга уринаётган террористларнинг асл нияти чинакам исломий қадриятларни тиклаш эмас, балки ҳокимиятни қўлга киритиш, Марказий Осиёдаги мамлакатларни ўзлари танлаган йўлдан қайтариш ва бутун минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатиш

эди. Аслида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳақиқий исломий кадриятларимиз тикланди ва бу йўналишда изчиллик билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Динимизнинг халқимиз маънавиятининг ажралмас қисмига айланганлиги Президентимизнинг қуйидаги фикрларида ўз аксини топган: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қилолмаймиз. Диний кадриятлар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз.

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда»¹.

Умуман Марказий Осиё халқлари мустаҳкам дўстлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, минтақа туб халқларининг маънавий илдизлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра оладилар. Шу маънода ҳам улар бирлигини мустаҳкамлаш умумминтақавий маънавий юксалишимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб тураверади. Бу жараёнга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таъсир ёки террористик ҳаракатлар умумминтақавий қаршиликка учрайди ва барбод бўлади.

Минтақа давлатлари мустақиллиги шароитида юзага келган мафкуравий таҳдидлар: моҳияти, асосий кўринишлари ва уларни бартараф этиш йўллари. Ҳар қандай мафкура кишилар ва жамият ҳаёти ривожининг лойиҳасини бериш орқали уни бошқариш ва назорат қилишнинг муҳим омили сифатида чиқишини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Собиқ Шўро даврида коммунистик мафкура нафақат ижтимоий ҳаётни ташкил этиш, балки уни бошқариш ва назорат қилишнинг муҳим бўғинини ташкил этганида ҳам бунинг исботини кўриш мумкин.

Мамлакатда илғор ғоялар, мафкуралар қанча кўп бўлса, яъни мафкуравий плюрализм ҳукмрон бўлса, жамият тараққиётини тўғри

¹ Ислон Каримов. Оллоҳ қалбимизда юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволарига жавоблар. Халқ сўзи, 1999 йил 6-март.

идеологик тушуниш имконияти шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш идеологик баҳолар ва прогнозларнинг сайқаллашувига ҳамда маъно ва мазмун жиҳатидан бойишига хизмат қиладиган янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг умумий тарзда рўёбга чиқишига шароит яратади, у ёки бу шаклдаги тотал мафкуравий назоратнинг олдини олади.

Мафкуравий плюрализм шароитида хилма хил қараш, интилиш, ёндашувга эга бўлган ва турли мафкуравий позицияда турувчи кучларнинг жамият ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиши, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжиҳат фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда глобаллашув шароитида давлатлараро алоқалар ҳам мафкуравий жараёнлар ривожига ўзига хос таъсир ўтказаетганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бу, жумладан, Ер юзининг турли нуқталарида мафкуравий плюрализмнинг шаклланиш имкониятлари ва йўлларининг кенгайганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Чунончи, глобаллашув шароитида миллий маҳдудликда яшаш бўлмаслиги, аксарият мамлакатларда демократик қадриятлар, сиёсий ва мафкуравий плюрализм ҳукмронлиги бундай йўлдан узоқ бўлган давлатларга таъсир ўтказиш имкониятини беради. Бунда бугунги кунда иқтисодий таъсир чораларини қўллаш, халқаро майдонда сиёсий тазйиқ ўтказиш, сиёсий партиялар шаклланишига кўмаклашиш, янги типда фикрловчи сиёсий элита шаклланишига ёрдам бериш, мавжуд оппозицияни қўллаб-қувватлаш ёки унинг шаклланишига ёрдам бериш каби усуллардан фойдаланилаётганини кўриш мумкин.

Давлатлараро муносабатларнинг муайян жамиятдаги мафкуравий жараёнларга таъсири ўз моҳиятига кўра ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Янги аср бошида айрим давлатларда амалга оширилган рангли инқилоблар глобаллашув шароитида бир давлат(лар)нинг бошқа мамлакат(лар)даги сиёсий-ғоявий жараёнларга салбий таъсирининг ёрқин мисоли бўла олади. Демократияни силжитиш байроғи остида амалга оширилган бундай ҳаракатлар ғаразли геостратегик мақсадлар йўлида

мамлакатларнинг ички ишларига кўпол равишда аралашини амалда намойиш этди. Шундай экан, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш мустақил тараққиёт йўлини танлаган давлатлар учун яқин истиқболда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолишини алоҳида қайд этиш лозим.

Тарих кўплаб давлатлар ўз ҳудудини, таъсир доирасини мунтазам кенгайтиришга интилиши, мамлакат бошлиқлари ва сиёсий кучларнинг бутун дунёга ҳукмронлик қилишдек хаёлий орзулари натижасида ўзининг ички имкониятларини сарфлаб бўлиб, ҳалокатга юз тутганини кўрсатади. Бу ҳозирги даврда дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган айрим давлатлар ўзларининг гегемонистик сиёсатини давом эттирадиган бўлсалар уларнинг яқин истиқболдаги тақдири аянчли бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулосани чиқариш имконини беради.

ХУЛОСА

Тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг маънавий ва мафкуравий омилларини фалсафий тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларга келиш ҳамда бир катор амалий таклифлар ишлаб чиқишга замин яратди. Чунончи:

Биринчидан, XX аср 90-йилларига қадар тўпланган тарихий тажриба тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун юксак ҳарбий, иқтисодий салоҳият зарурлигини, айти пайтда қатта ҳарбий кучга эга давлатлар геостратегиясида аввал минтақасида, кейин дунё бўйлаб гегемонлик қилиш, ҳукмронлик ўрнатиш майли (тенденцияси) кучайишини исботлаб келди. Энди кўп қутбли дунёда фақат иқтисодий-ҳарбий куч-қувват эмас, маънавий салоҳият ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда.

Иккинчидан, тинчлик ва хавфсизлик яхлит тизим (система) сифатида намоён бўлмоқда, жаҳоннинг бирор бир бурчагида “оғриқ нуқта” пайдо бўлса, глобаллашув шарофати туфайли бунинг таъсири тезлик билан кўшни минтақаларга, бутун дунёга муайян таъсир кўрсатмоқда. “Бу биздан узоқда, бизга бунинг дахли йўқ” деган хотиржамлик кайфияти зарарлигина эмас, ҳалокатли бўлиб бормоқда. Президент Ислом Каримов томонидан ташқи сиёсатимизнинг миллий маънавиятдан олинган тамойили сифатида кенг тарғиб қилинадиган “**Кўшнинг тинч – сен тинч**” шиори оламшумул тамойил бўлиши зарурлиги яққол намоён бўлмоқда.

Учинчидан, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда маънавий-ахлоқий омилларнинг роли ортиб бориши устувор майлга айланмоқда. Аксарият сиёсатшунослар молиявий инқироз ёки иқтисодий танглик эмас, айнан маънавий мезонлар жаҳонда тинчликни сақлаш гарови бўлиб боришини таъкидламоқда. “Араб баҳори” номини олган воқеалар, Украинада содир бўлаётган фожеалар, шу каби можаролар маънавий соҳага эътиборсизлик, миллатни жипслаштириш, ягона мақсад ва умумий манқфаат йўлида маънан бирлаштириш танқислиги оқибатида рўй бераётгани афкор оммага тобора аён бўлиб бормоқда.

Тўртинчидан, ҳарбий маънода ҳозир жаҳон уруши содир бўлмаётган эса-да, аммо кўплаб мутахассислар фикрига кўра дунё бўйлаб психологик, мафкуравий (идеологик) кураш бир зум тинмаяпти, янгидан янги рухий таъсир куроллари, янада даҳшатли мафкура полигонлари яратилмоқда. Оламнинг бирор нутқаси, Ер куррасининг бирор элати йўқки, бундай таъсирлардан четда ва бехатар бўлса. Айниқса, геосиёсий маънода муҳим ўрин эгаллайдиган Ўзбекистон, умуман Марказий Осиё минтақаси доимий ахборот хуружи нишонига айлантирилмоқда.

Бешинчидан, миллий хавфсизлик глобаллашув шароитида катта маблағ ва куч-ғайрат сарфланадиган соҳа бўлиб бораётгани барчага аён бўлса-да, фақат молиявий-иқтисодий таъминот билан бу ҳаётини манфаатни таъминлаш иложсиз бўлиб, тобора миллий жипслик, ягона миллий ғоя байроғи остида яқдил ҳаракат қилиш муҳимлиги исботланди. “Миллатни бўлиб ташловчи ҳар қандай ғоя – бузғунчи ғоя” деган огоҳлантириш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бинобарин, ғоявий-мафкуравий тарбия, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш давр талаби бўлиб бормоқда.

Олтинчидан, “маънавий хавфсизлик” умуммиллий тинчлик ва барқарорлик занжирида етакчи ҳалқага айланиб улгурди, миллат ва башариятнинг бундан кейинги тақдири ушбу масаланинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ бўлиб бораверади. Мафкуравий таҳдид иқтисодий зарар келтиролмайди, маънавий шикаст етказишга йўналтирилади, маънавиятнинг прогрессив қатламлар вақтида англаб етмаган буюк ва бетакроор аҳамиятини реакцияон кучлар аллақачон тушуниб етиб, уни айнитиш, тубанлаштириш йўлини тутганлар, “gold billion” – “олтин миллиард” каби шиорлар билан Ер юзидаги уларнинг назарида ортиқча бўлган халқларни қириб юбормоқчи бўладилар.

Еттинчидан, “агар огоҳсен – шоҳсен” шиори шунчаки чиройли ибора, куруқ гап эмас, ҳаётини мақсад ва манфаатларни муҳофаза қилишга даъват сифатида идрок этилмоқда. Огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди. Президент Ислом Каримовнинг истаги –

“Тинч-осойишта ҳаёт, барқарорликнинг энг муҳим шарти шуки, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томонлама сезгир ва уйғоқ бўлиш, тарихдан, ҳаётдан хулоса чиқариб яшаш керак. Бундай қараш, бундай кайфият шу азиз юртимиздаги барча ватандошларимизнинг ҳаётий мақсадига айланиши” учун таълим-тарбия тизимини шу йўналишда янада ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Саккизинчидан, концептуал асосда янгича ёндашув муҳим аҳамиятга молик қуйидаги илмий-назарий хулосани тасдиқлайди: тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашади. **Бинобарин, тарих ўргатади, тарих огоҳ этади, бизга тўғри йўлни танлашда маслаҳат беради.** Бундан оддинги замонларда қандай воқеалар бўлганини, улардан қандай хулосалар чиқариб, қайси хатоларни такрорламаслик кераклигини, қайси йўлдан олдинга бориш лозимлигини тарих ўргатади. Дунёда бундан ўткир ва таъсирчан бошқа бирон куч йўқ.

Тавсия ва таклифлар:

Тарих инсоннинг умр йўлидаги хатоларини англашиб, уни огоҳ қилиб турадиган кўзгу экан, унинг сир-синоатга бой воқеаларини ёш авлодга тўғри етказа олиш, тарихни ўқитиш савиясини ошириш ҳар бир ўқитувчи ва мураббийнинг бурчи бўлиши лозим. Тарих фанида фақат маълумот ва саналарни бериш эмас, **тарихдан хулоса чиқариш салоҳиятини тарбиялаш**, огоҳ бўлиб яшаш кўникмаларини, четдан келаётган хавф-хатарни олдиндан кўриб, уни бартараф эта олиш малакасини ўргатиш давр тақозоси бўлиб қолди.

Бугун мамлакатимиз фуқароларини ягона умуммиллий мақсад, миллий ғоя атрофида янада жипслаштириш, жамият ва халқ фаровонлигини ошириш, унинг манфаатларини турли таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш борасидаги ишларни кучайтириш лозим экан, бунинг учун **маънавий тарбияни, миллий ғоя тарғиботи, мафкуравий жараёнлар таҳлилини янада юқори босқичга кўтариш талаб этилади.**

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган фикр ва ғояларни, давлатимизнинг дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга

қаратилган ташаббусларини, айниқса, Юртбошининг Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш имкониятлари тўғрисидаги таклифларини **ҳар бир юртдошимиз чуқур билишига, шу билим асосида ўз зиммасига юкланадиган улкан масъулиятни ҳис этишига**, дахлдорлик туйғусини кучайтиришига эришиш тарбиявий ишларнинг ўзаги деб белгиланиши даркор.

Бугунги мураккаб глобаллашув жараёнида турли таҳдидлардан ҳимояланиш учун, аввало, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларига янада кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки, соғлом ва кучли жамиятни фақат маънавияти юксак инсонларгина шакллантиради. Аждодларимиз юрт озодлиги, тинч ва осуда ҳаётни инсоннинг, халқнинг эзгу орзу-умидларини амалга оширишнинг энг муҳим шарти деб билганлар. Шунинг учун ҳам бундай буюк неъматларни – **тинчлик ва хотиржамликни, осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, уларни қўлдан бермаслик учун доимо курашиб, интилиб яшаш** каби ҳаётий кредо – мақсад-муддаони тарбиялаш энг зарур шарт бўлиб қолди.

Тарих тажрибаси кўрсатадики, ҳар бир миллат, ҳар бир шахс озод ва эркин яшаши учун, биринчи навбатда, ўз ҳақ-ҳуқуқига, миллий ғурурига эга бўлиши, ўзлигини чуқур англаши лозим. Шахс, миллат, авваламбор, ўзини ҳурмат қилганидагина бошқа шахс, миллатларни ҳурмат қилади. Ўзлигини англаган, ўз аждодлари тарихини, қадрият ва урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаган миллатнинг келажаги буюк бўлади. Бинобарин, фақат ёшларни эмас, ўрта яшар ва кекса авлодни ҳам **миллий ғурурини кўтариш тарбиявий ишлар муваффақиятининг гарови бўлади**, деб ҳисоблаймиз.

Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази олиб бораётган самарали ишларни чуқур эътироф этган ҳолда, буларни таъсис этган Президент Қарорида белгиланган вазифаларни кейинги йилларда жаҳонда ва минтақада юз берган воқеа-ҳодисалар асносида янада янги бочқичга кўтариш мумкин ва лозим, деб ҳисоблаймиз. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари асосида, шунингдек, жаҳон бўйлаб пропаганда ва агитация, психологик таъсир, идеологик манипуляция каби жабҳаларда содир бўлаётган янгиликлар асносида ишларни қайта ташкил қилиш фойдадан холи бўлмайди, деб ишонамиз.

Ҳозирги вақтда биз учун энг муҳим масалалардан бири — ёшларимизнинг дунёқараши, уларнинг онгу тафаккури, қалбини турли ёт иллатлар таъсиридан сақлашдир. Бу нарса мамлакатимиз истиқболи билан, айнан ёшларимизнинг келажакдаги ҳаёти, тақдири билан чамбарчас боғлиқлигини бир дақиқа бўлса-да, унутмаслигимиз керак. Тинчлик ва барқарорликнинг келажак тақдири, Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда ёшлар кўлида, демак ёшларнинг ватанпарварлиги, миллий ғояга садоқати, юксак ҳуқуқий билимлари истиқболни янада ёруғ қиладиган заминдир.

Ниҳоят, тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг маънавий ҳамда мафкуравий омилларини, воситаларини илмий-фалсафий тадқиқ қилиш бу борада қилинадиган ишлар ҳали сероблигини, ўрганилмаган қирралар кўплигини кўрсатмоқда бунинг учун эса, етук тадқиқотчилар, маҳоратли педагоглар, салоҳиятли мураббийлар зарур. Шунини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистондаги 17 олий таълим муассасасида тайёрланаётган миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ таълими йўналишини замон талаблари даражасида қайта қуриш, ихтисослашувни кучайтириш, мутахассисларни тайёрлаш савиясини ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Расмий ҳужжатлар. Президент И.А.Каримов асарлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
2. “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси тўғрисида” Олий Мажлис қарори. 1995 йил 30 август. // ЎЗР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Тошкент, 1995. – № 9.
3. “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонун. 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган.. // ЎЗР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – № 1.
4. “Соғлом бола йили” давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 90 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида Қонун. 2012 йил сентябрь. // ЎЗР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Тошкент, 2012. – № 10.
6. “Обод турмуш йили” давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 80 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
10. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. – Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 342 б.
13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
16. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. – Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
17. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
18. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
19. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
20. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
21. Каримов И.А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
22. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 368 б.
23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
24. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009.– Б. 29-65.

25. Каримов И.А. Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. –Т.: Ўзбекистон, 2010.– Б. 280.

26. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Т.: Ўзбекистон, 2011.– Б. 360.

27. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. –Т.: Ўзбекистон, 2012.– Б. 320.

28. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

29. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

30. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 280 б.

31. Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Т.2013.

32. Каримов И.А. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. – Т.: 2014.Б.6.

II. Китоб ва монографиялар:

1. Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Т.: Шарқ, 2000., -Б.592.
2. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М.: Академия, 2000., -С.956.
3. Глинский Б. А. Социально-философские проблемы информатизации. М., 1990.
4. Информация. Дипломатия. Психология. М.: Известия, 2002, -С.616.
5. Кастельс Мануэль. Информационная эпоха: экономика, общества и культура. Пер. с англ. П.И.Шкаратона. –М., 2000, -С.608.
6. Кенжабоев А.Т. Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. – Т.:Ибн Сино, 2004. -252 Б.;
7. Лукашук И.И. Глобализация государство, право, XXI век. –М.: Спарк, 2000, -С.279.
8. Моисеев Н.Н.. Расставание с простотой. М., 2000, -С.106.
9. Мўминов Н. Ахборотлаштириш ва ҳаёт. –Т.: Фан, 1992., -191 Б.;
10. Новик И.Б. Становление глобального информационного общества. Изд. М.: Дашков и К., 2003., -С.232.;
11. Пьер Тайер де Шарден. Феномен человека (Преджизнь, жизнь, мысль, сверх жизнь). М., 1987. -С.
12. Сангинов С.С. Ҳозирги замонда ижтимоий тараққиёт ва глобал муаммолар// -Т.: Университет, 1998. 0,7 б.т.
13. Тоффлер Э. Шок будущего. –М.: АСТ, 2001., -С.
14. Файзуллаев А.Ф. Современная алгоритмизация науки, техники и рыночных отношений// Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. – Т., 2000, -С.625;
15. Чернавский Д.С. Синергетика и информация: динамическая теория информации. М., 2004., -С.280.
16. Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. М.: Дело, 1993. - С.405.
17. Яглом Т. Массовые коммуникации в современном мире: методология анализа и практика исследования. СПб.: Питер, 2000, -С.190.

18. Аюбов Ш.А. Продолжение идей ал-Хоразмий в современных алгебраических системах// Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. Т., 2000, -С.54.
19. Абдуллаева М.Н., Покачалов Г. Философские проблемы методологии науки. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006., -С.76.
20. Алимов К., Бахрамов А. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. Т., 2001., 147-Б.
21. Жўраев Н., Азизов Ш. Ижтимоийёт асослари. –Т.: Маърифат-мададкор, 2003, -Б.284.
22. Холматова М., Назаров Қ., Содикова Ш. Глобаллашув ва ахборотлашган жамият. Т., 2004., 19-Б.
23. Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. Т., 2001., 77-Б.
24. Абдувоҳидов А.М. ва бошқалар. Замонавий ахборот технологиялари. Т., 1999. –Б.54.
25. Абдуллаева М.Н. ва бошқалар. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: Шарқ, 2006. –528 Б.

III. ДИССЕРТАЦИЯ, АВТОРЕФЕРАТЛАР

1. Ёқубова М.В. Жамият тараққиётида ахборотлашув ва ахборот технологиялари масалалари. Дисс. фалс.фан.номз., -Т., 2006. 165-Б.;
2. Ланцева О. Информационные аспекты развития (философско-методологический анализ) Дисс.... канд.филос.наук. –Т., 1995., -С.125;
3. Шермухамедова Н. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления. Дисс.докт.филос.наук. Т., 2002., -С.170.

II. КИТОБ ВА МОНОГРАФИЯЛАР:

1. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. - Т.: Шарқ, 2005. -С.464.
2. Бжезинский З. Великая шахматная доска. М., 1998.
3. Сангинов С.С. Ҳозирги замонда ижтимоий тараққиёт ва глобал муаммолар// -Т.: Университет, 1998. 0,7 б.т.
4. Тоффлер Э. Шок будущего. –М.: АСТ, 2001., -С.
5. Чешков М.А. Глобальное видение и наука. М., 1998. –С.
6. Жўраев Н., Азизов Ш. Ижтимоийёт асослари. –Т.: Маърифат-мададкор, 2003, -Б.284.
7. Холматова М., Назаров Қ., Содикова Ш. Глобаллашув ва ахборотлашган жамият. Т., 2004., 19-Б.
8. Абдуллаева М.Н. ва бошқалар. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: Шарқ, 2006. –528 Б.
9. А. Очилдиев. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. Тошкент.: 2009.
10. А. Очилдиев. Мафкуравий глобаллашувнинг цзига хос хусусиятлари. - Тошкент.: 2009.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси “Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари”. - Тошкент.: 2010.
12. Б. Умаров, Ш. Жабборов. Глобаллашув ва ёшлар тарбияси. - Тошкент.: 2009.
13. Ш.Қаҳҳорова. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асослари. Тошкент.: “Тафаккур”. 2009.
14. Мустақиллик: изоҳли, илмий-оммабоп луғат. Т., 2006 й.
15. Фалсафа. Т., 1999 “Шарқ” нашриёти, 446-492-бетлар
16. Фалсафа. Маърузалар матни. Т., 2000, 289-312 бетлар
17. Фалсафа асослари. Т., 2005, 337-376-бетлар

18. Фалсафа. Қомусий луғат. Т., 2004.
19. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. Т., 2004.

IV. Илмий журналдаги мақолалар

1. Абдуллаев Ё., Кенжабоев А. Ахборотлашган жамият// Мулоқот, 5-сон, 2002., 24-25 Б.;
2. Абдуллаева М.Н., Гаффарова Г. Наука должна быть нравственной. // Ош. Ўш. Журнали, 3(21)-сон, 2004 йил, 81-82 ст.
3. Бегматов Ж. Глобаллашув ва иқтисодиётни эркинлаштириш/ Жамият ва бошқарув, 4-сон, 2002., 59-50 Б.
4. Вершинская О.Н. Ахборотлашган жамиятнинг барпо этиш режасининг барқарорлиги. Ахборотлашган жамият, 1999, №3, 55-57-Б.
5. Гаффарова Г. Ахборотни таълим тизимига таъсири. //Фалсафа ва ҳуқуқ. 3-сон, 2005 йил, 80-81 бетлар.
6. Ёкубова М. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг фалсафий таҳлили// Фалсафа ва ҳуқуқ, 3-сон 2006 йил 32-33 Б.

V. Илмий тўпламлардаги мақолалар

1. Гаффарова Г. Ўзбекистонда демократик давлатнинг ривожланишида ахборотлашувнинг аҳамияти/Ўзбекистонда миллий давлатчилик назариясининг тарихий-фалсафий ва ҳуқуқий асослари мавзuidaги илмий-назарий мақолалар тўплами. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005, 138-146 б.

VI. Конференция, симпозиумлардаги мақолалар

1. Абдуллаева М.Н. Рационализм в глобализирующемся обществе/ Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари мавзuidaги Республика илмий-назарий анжуман. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006., - С.9-12.
2. Отамуротов С. Глобаллашув жараёнининг миллий маънавиятга таъсири/ Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари мавзuidaги Республика илмий-назарий анжуман. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006., 34-36 б.афаева С. Глобаллашув жараёнининг ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсири/ Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари мавзuidaги Республика илмий-назарий анжуман. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006., 25-28.
3. Сирожов О. Глобаллашув тарихий жараён сифатида/ Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари мавзuidaги Республика илмий-назарий анжуман. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006., 80-81 б.
4. Тўйчиев Б.Т. Роль информатизации общества в развитии политической культуры. /Мустақил Ўзбекистон: фалсафанинг долзарб муаммолари. 1997. 101-Б.
5. Хошимова И.С. Ахборотлашаётган экологик жамият/ Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари мавзuidaги Республика илмий-назарий анжуман. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006., 20 б.